2 ҚОҲИРАДА АЛ-ФАРҒОНИЙ ҲАЙКАЛИ ҚАД РОСТЛАДИ



13 СОҲИБҚИРОННИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ҲОФИЗ



15 ЮРТНИНГ БАҲОДИР ЎҒЛОНЛАРИ




КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131

# ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

Газетанинг чакана савдода белгиланган нархи — 190 сўм

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА www.jamiyatgzt.uz 2007 йил 20 апрель № 16 (29)


# ЎЗБЕКИСТОН ЎҒЛОНИ — ЖАҲОН БОКСИНИНГ ҚИРОЛИ



*2007 йил 19 апрель, соат 20.45. Тошкент халқаро аэропортида сайёрамизнинг машҳур боксчисини тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Карнай-сурнай садолари янгради. Даста-даста гул тутган юртдошларимиз чуқур ҳаяжон ва чексиз қувонч билан жаҳон чемпионини қутлашга чоғланди.*

*Ватан шаънини юксакларга кўтарган, унинг муқаддас номини олам узра тараннум этган фидойи фарзанд ҳар қанча ҳурмат-эҳтиромга лойиқ.*

*— Ҳар гал ғалабадан сўнг қадрдон юртдошларим билан дийдорлашиш учун жонажон Ватанимга ошиқаман, — деди Руслан Чагаев. — Мен баҳснинг ҳар бир лаҳзасида ортимда миллионлаб юртдошларим мени ғоййибона қўллаб-қувватлаётганини ҳис қилиб турдим. Юртбошимиздан олган оқ фотиҳа ҳамда ғалабамни астойдил кутаётган мухлисларимнинг ишончи менга руҳий мадад берди, кучимга куч қўшди.*

## ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17-19 апрель кунлари расмий ташриф билан Миср Араб Республикасида бўлди. Давлатимиз раҳбарининг Қоҳирада ўтган учрашувлари чоғида Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигини кенгайтиришга оид масалалар, халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама этилди.*

17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан, профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Руслан Чагаев «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

*16 апрелда «Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди. Мазкур нуфузли спорт мусобақаларининг Тошкент шаҳрида бўладиган якуний босқичи 2007 йил июнь ойининг учинчи ўн кунлигида пойтахтимиздаги бир қатор спорт мажмуаларида ўтказилади.*

2007 йил 17 апрель куни республика Ҳукуматининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2007 йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилга мўлжалланган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари атрофлича муҳокама қилинди.

ЖАМИЯТ СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ
2007 йил 20 апрель № 16 (29)

Муҳаррир минбари

# ИЛДИЗИ ТЕРАН ҲАМКОРЛИК

## *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17-19 апрель кунлари Миср Араб Республикасида расмий сафарда бўлди*

***Миср Африка қитъасидаги йирик мамлакатлардан бири ҳисобланади. Ҳудуди — бир миллион квадрат километр. Нуфуси бўйича араб давлатлари орасида биринчи, Африка мамлакатлари ичида эса (Нигериядан сўнг) иккинчи ўринни эгаллайди. 2006 йил маълумотларига кўра, Мисрда 78,8 миллион киши истиқомат қилади***

БУГУН Қоҳира араб дунёсидаги йирик маданият ва тижорат маркази, ер юзидаги энг катта шаҳарлардан биридир. Унда салкам 18 миллион киши истиқомат қилади.

Мисрнинг 2006 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 92,6 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди. Нефт ва газ қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш, озиқ-овқат, тўқимачилик, металлургия соҳалари саноатнинг етакчи тармоқларидир. Сўнгги йилларда машинасозлик (автомобиль ва автобуслар йиғиш), ахборот технологиялари ва маиший техника маҳсулотларини ишлаб чиқариш жадал ривожланиб бормоқда.

Мисрда тарихий ва маданий ёдгорликлар жуда кўп. Жаҳон аҳлини оҳанрабодек ўзига мафтун этади, айниқса, беш минг йиллик тарихга эга Қоҳиранинг жануби-шарқида жойлашган Гиза водийсидаги эҳромлар дунёнинг етти мўъжизасидан бири сифатида тан олинган. Туризм мамлакати Мисрга 2005 йили 8,6 миллион хорижий сайёҳ ташриф буюрган.

Маълумки, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги алоқалар тарихи кўп асрлик ўтмишга бориб тақалади. Милоддан аввалги 3-2 минг йилликларда Буюк Ипак йўлининг тармоқларидан бири — «Лаъл йўли» Икки дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғи Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, хусусан, Мисрда яшаган халқлар билан савдо ва маданий алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Мисрда ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятига, унинг жаҳон ва ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳамиша катта ҳурмат ва эҳтиром ила эътироф этилади.

Мисрликлар буюк ўзбек математиги ва астрономи Аҳмад ал-Фарғоний (798-865 йиллар) хотирасини жуда эъзозлашади. Маълумки, бобокалонимиз умрининг сўнгги йиллари Қоҳирада ўтган. Унинг раҳбарлигида Нилда сув сатҳининг кўтарилиши, пасайишини ўлчаш учун махсус қурилма — Нилометр, яъни Миқёс ан-Нил яратилган. Нилометр ўз даврида сув захираларидан оқилона фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ва у бугунги кунда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган.

Айтиш жоизки, буюк юртдошимиз, Аҳмад ал-Фарғонийнинг геодезия, харита тузиш ва ер юзи жуғрофияси соҳасидаги асарлари Мисрда ҳали-ҳануз фойдали, ўқиладиган асарлар жумласига киради. Сир эмаски, Фарғоний Қуёш ва Ой тутилишларини мукаммал ўрганиб чиққан. Бағдод ва Дамашққа яқин тоғли жойда расадхоналар бино қилган. Унинг осмон жисмларига доир тадқиқотларидан Данте ўзининг «Илоҳий комедия» асарини ёзишда фойдаланган. Христофор Колумб ҳам Фарғоний тузган хариталар асосида Американи кашф этган.

«Нилометр» Нил дарёсидаги Рода оролчасининг жанубий чеккасида жойлашган ва кейинроқ шаҳар ҳудудига киритилган. Иншоот ҳозирда ҳам пойтахтнинг кўрки саналади.

Миср пойтахтида ҳозирга қадар «Ҳадиқатул Ўзбекия» («Ўзбеклар боғи») ва «Ҳай ал-Ўзбекия» («Ўзбек даҳаси») номи билан аталадиган жойлар бор. Бу ерлар бир пайтлар Буюк Ипак йўли бўйлаб ҳаракат қилган карвонлар тўхтаган қадим масканлар бўлган. Ушбу далиллар мамлакатларимиз ўртасида тарихий ва маданий алоқалар мустаҳкам бўлганлигидан рўй-рост далолат беради.

***Мисрда ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятига, унинг жаҳон ва ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳамиша катта ҳурмат ва эҳтиром ила эътироф этилади.***

Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил январь ойида ўрнатилди. Ўша йили Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов илк бор Мисрга ташриф буюрган ва бу ташриф икки қадимий мамлакатларни янада яқинлаштирди.

Ҳозирги пайтда икки мамлакат олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқалар муваффақиятли ривожланмоқда. Бу соҳага оид қатор ҳужжатлар имзоланган. Ўзбекистонлик талабалар Миср олий таълим муассасаларида, жумладан, Қоҳира ҳамда «Айн-Шамс» университетларида таҳсил олмоқда.

1994 йилнинг ноябрида Тошкентда Миср Араб Республикасининг фан ва таълим маркази иш бошлади. 1997 йилдан буён «Ўзбекистон-Миср» жамияти, 2000 йил май ойидан эътиборан эса «Миср-Ўзбекистон» жамияти фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар мамлакатларимиз ўртасидаги гуманитар ҳамкорлик ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётир.

Қоҳирада Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак раҳбарлигидаги Миср расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Икки мамлакатда ҳам иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Масалан, юқори технологиялар, жумладан, биотехнология соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ. Сайёҳлик ҳам устувор йўналишлардан. Мисрда Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларини, айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хивани зиёрат қилиш истагида бўлганлар, Ўзбекистонда эса Мисрнинг тарихий обидаларини, хусусан, эҳромларни кўриш иштиёқидаги сайёҳлар кўп.

Томонлар музокараларда барча соҳаларда ўзаро манфаатли шартларда узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Кубба» қароргоҳида Миср Бош вазири Аҳмад Назиф билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида ушбу ташриф Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариши таъкидланди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикасининг қўшма баёноти қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда ҳамкорлик, судьялар малакасини ошириш ва суд-ҳуқуқ соҳасида тажриба алмашиш тўғрисидаги битимлар, ахборот соҳасида ҳамкорлик, 2007-2010 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар, шунингдек, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Миср Миллий спорт кенгаши, Ўзбекистон иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Миср Халқаро ҳамкорлик вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Миср Савдо палаталари федерацияси, «Ўзинфоинвест» агентлиги билан Миср Инвестиция ва эркин ҳудудлар бош дирекцияси, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метеорология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Миср Стандартлаштириш ва сифат ташкилоти, Ўзбекистон Марказий банки билан Миср Марказий банки ўртасида англашув меморандумлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Миср Искандария кутубхонаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Миср Миллий банки, «Банк дю Каир» ва «Банк Миср» ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.



Сафар давомида Президент Ислом Каримов Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Абулғайтни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, маслаҳатлашувларни мунтазам йўлга қўйиш масалалари хусусида сўз борди.

Араб давлатлари лигасини ташкил этиш, унинг фаолиятини такомиллаштириш борасида расмий Қоҳира муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ушбу ташкилот Бош котиби Амр Мусо билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлиги, у орқали араб давлатлари билан муносабатларини ривожлантириш масалалари асосий мавзу бўлди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги билан Араб давлатлари лигаси Бош котибияти ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Сафарнинг энг хаяжонли дақиқалари «Миқёси Нил» бунёд этилган Рода оролида Ўзбекистон расмий делегацияси, Миср ҳукумати аъзолари, жамоатчилик вакиллари, олимлари иштирокида буюк бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг тантанали очилиш маросимига тўғри келди. Маросимда Ислом Каримов Ўзбекистон ва Миср халқларининг дўстлиги узоқ даврларга бориб тақалишини, бу дўстликка улуғ аждодларимиз асос солганини алоҳида таъкидлади. Ўзбек заминида етишиб чиққан алломалар, хусусан, Аҳмад ал-Фарғоний жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этди.

Ушбу ташриф Яқин Шарқ ва Марказий Осиё минтақаларининг етакчи давлатлари — Ўзбекистон ва Миср ўртасида ҳамкорликнинг янги уфқларини очди. Ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларга кучли турткибериладиган муҳим келишувларнинг имзоланиши давлатлараро муносабатларни янада юқори босқичга кўтаради.

# ҚЎҚОНДА САЛОМАТЛИК БАЙРАМИ

*Маълумки, Президентимиз томонидан жорий 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган аввалги йиллардаги амалга оширилган ишларни янада жонлантирди.*

ЯҚИНДА «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси», «Аёллар кенгаши» жамоатчилик бирлашмаси ва «Саломатлик плюс Экология» нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан Қўқон шаҳрида ташкил этилган «Саломатлик байрами» тадбири ҳам «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида устувор вазифалардан бири қилиб белгиланган «Соғлом она — соғлом бола» ҳаракатини ривожлантиришга қаратилгандир.

Мана бир неча йилдирки, «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» йод танқислиги, анемия хасталигининг олдини олиш, аҳоли орасида санитария ва гигиена маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган йирик лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, «Саломатлик байрами» тадбири доирасида ҳам Қўқон шаҳри маҳаллалари орасида «Тоза шаҳар — тоза уй» танлови ҳамда Қўқон поликлиникалари ва бошқа тиббиёт муассасалар ўртасида «Соғлом турмуш тарзи томон бир қадам» танловларини ўтказиб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, шу куни анъанавий тарзда ўтказиладиган оилавий спортни тарғиб қилишга қаратилган «Дадам, ойим ва мен — соғлом оила» танлови ҳам ташкил этилди.

Тадбир сўнггида муросасиз ўтган баҳсларда ғолиб чиққан оилаларга ташкилотчиларнинг эсдалик ва қимматбаҳо совғалари топширилди ҳамда «Саломатлик байрами»ни доимий тарзда ўтказиб боришга келишиб олинди.

# ЭЪТИБОР

***Маълумки, 2004 йилда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди.***

**Ҳамид ЭГАМБЕРДИЕВ**

РЕСПУБЛИКА хотин-қизлар қўмитаси Ижтимоий ҳимоя йилида оилаларни мустаҳкамлаш, аёлларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳимоялаш ҳамда уларни соғломлаштириш масалаларига катта эътибор бериб, айниқса, ҳуқуқий маданиятга эга бўлишларига қаратилган кўплаб ишларни амалга ошириб келмоқда.

Яқинда шу тадбирлар доирасида қўмита ташаббуси билан Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган «Оқибатли бўлайлик» хайрия тадбири ўтказилди.

Унда вилоятнинг фаол ва фахрий аёллари, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳамда талаба ёшлар иштирок этдилар. Хайрия тадбирида таниқли санъаткорлар ҳам қатнашиб, ўзларининг дилбар қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Таъкидлаш керакки, тадбирдан тушган маблағ кам таъминланган оилаларга ҳамда ногиронлар ва қарияларни қўллаб-қувватлашга сарфланади.

# ЁШЛАР ВА АХБОРОТ МАРКАЗИ

***Бухоро вилояти ёшлар ахборот-ресурс марказида мактаб ўқитувчилари иштирокида учрашув ўтказилди.***

Мазкур марказ вилоятдаги 2, 6, 9, 10-ўрта мактаб ўқувчилари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларни иқтисод, тарих, маданият ва адабиётга доир турли ахборотлар билан таъминлаб туради.

Учрашув иштирокчилари «Ижтимоий ҳимоя йили» дастури доирасида қилинаётган ишлар, машҳур инсонлар ҳаёти ва фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

**«Туркистон-пресс»**

***Кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим жиҳатларидан бири соғлом авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратишдир. Мамлакатимизда ўтган ўн беш йил давомида бу борада катта тажриба тўпланганини таъкидлаш жоиз. Зеро, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ соғлом авлод тарбияси устувор вазифа деб белгилаб олинди. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.***

# БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

*«Янги эски шаҳар» лойиҳасидан кўзланган асосий мақсадни ўзида мужассам этган*

**Сайдодил САЙДИСЛОМОВ,**
**«Жамият» мухбири**




АСЛИДА юксак марраларни кўзлаган ҳар қандай мамлакатнинг ёшлар таълим-тарбияси билан боғлиқ масалаларга жиддий ёндашиши табиий. Чунки таълим-тарбия ҳар бир шахснинг ақлий, маънавий-руҳий ва жисмоний камолотида муҳим аҳамият касб этади. Боз устига, барча кўзланган мақсад ва вазифаларга таълим-тарбия орқали эришилади. Шундай экан, олдимизда турган эзгу ва улуғ мақсадларимизнинг барчаси, аввало, ўсиб-улғаяётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ.

Ўтган йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман бўлими эски шаҳар ҳудудидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни соғлом ҳаёт кечиришга ундаш ҳамда муайян касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида «Эски шаҳар» деб номланган лойиҳани ишлаб чиққан эди. Мазкур лойиҳа асосида 2006 йилнинг майидан бошлаб ўтган давр мобайнида эски шаҳар ҳудудида жойлашган «Сузукота», «Эшонгузар», «Зангиота», «Гулбозор», «Янгиобод», «Қоратош», «Янги Камолон», «Янги шаҳар» ва «Катта боғ» маҳаллаларида ёшлар ўртасида турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, лойиҳа доирасида эски шаҳарда туғилиб ўсган машҳур кишилар билан учрашувлар, ҳамда «Биз гиёҳвандликка қаршимиз!», «Соғлом авлод — соғлом келажак», «Тарихсиз келажак йўқ» мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, «Эски шаҳар» лойиҳаси ёшларнинг ҳуқуқий билимларини кенгайтириш ва сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган, шунингдек, тўғри овқатланиш, шахсий гигиена, репродуктив саломатлик бўйича ўқув машғулотлари ва семинар-тренингларни ҳам қамраб олди. У «Ислоҳот — аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир» шиори остида амалга оширилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, пойтахтимиздаги эски шаҳар ҳудудида жойлашган маҳаллаларда 10 573 нафар ёш йигит-қиз истиқомат қилади. «Эски шаҳар» лойиҳасида етти мингга яқин ёшларнинг қатнашгани эса қувонарли ҳолдир. Лойиҳада иштирок этган йигит-қизлар эл корига яраш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш орзуси билан яшаётганини баралла айтдилар.

Жамият тараққиёти узлуксиз равишда моддий ва маънавий бойликлар яратишни тақозо этади. Бунда тарбия, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга. Зеро, тарбия орқали буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросга авлодлар ворислиги таъминланади. Бошқача айтганда, янги авлод ўтмиш тажрибаларини ўзлаштирибгина қолмай, уларни янада бойитади.

Таъкидлаш лозимки, «Эски шаҳар» лойиҳаси бу йил ҳам «Янги эски шаҳар» номи билан изчил давом эттирилмоқда. Янги лойиҳа «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни кўзда тутади. Айни пайтда «Янги эски шаҳар» лойиҳаси доирасида миллий халқ ўйинлари, устоз ва шогирдлик анъанаси, ватанпарварлик, оммавий спорт турларини ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ўсмир ёшдаги қизларни ҳаётга тайёрлаш, янги турмуш қурган оилалар билан ишлаш каби тадбирлар ўтказилмоқда. Лойиҳа доирасидаги тадбирлар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, халқ таълими, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бўлимлари, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, Болалар ижодиёт маркази, хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида декабрь ойигача давом этади.

Мамлакатни модернизация қилишга қаратилган, турли соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқ руҳияти, унинг маънавий эҳтиёжлари ва кундалик турмуш тарзи талабларидан келиб чиқмоқда. Буларнинг барчаси фуқаролар билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилаяпти. Бошқача айтганда, фуқаролар давлатга ишонч ва ҳурмат билан қарамоқда. Чунки улар ўз тақдирини, фарзандлари келажагини давлат истиқболи билан уйғун ҳолда кўраётир. Давлатимизнинг маънавий қудрати ҳам ана шунда.

*Газетамизнинг аввалги сонида хабар берганимиздек, 17-18 апрель кунлари Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда «Мамлакат ижтимоий ҳаётини ёритишда оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш» мавзуидаги республика конференциясини уюштирди.*

# АНЪАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ МАТБУОТ УЙҒУНЛИГИ

*Мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган видеоконференция шаклидаги анжуманни Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлар марказларида ҳозир бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари нафақат кузатишди, балки бу баҳс-мунозараларда бевосита иштирок ҳам этишди*



**Бунёд АБДУЛЛАЕВ,**
**«Жамият» мухбири**

УНДА «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналиши ва уларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифалар», «Жамиятни маънавий юксалтириш — ижтимоий сиёсатнинг муҳим омили», «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» ҳамда «Ахборот жараёнларининг глобаллашувида миллий манфаатларни таъминлаш» каби мавзулар доирасида 50 дан ортиқ иштирокчилар маъруза қилдилар.

Кун тартибидан ўрин олган масалалар долзарб ва муҳим эканлигини ҳисобга олиб, анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари ҳам иштирок этдилар. Улар яқинда янги таҳрирда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, оммавий ахборот воситалари муассислари ҳуқуқлари, уларга юклатиладиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақида етарли тушунчаларга эга бўлишди. Бу эса жойларда вилоят ва туман ҳокимликлари муассислигидаги нашрларнинг ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилади.

Анжуман давомида жамоат фонди навбатдаги 20 та лойиҳа раҳбарларига грантлар ҳамда журналистика факультети талабаларини таҳририятлар фаолияти билан яқиндан таништириш ва профессионал кўникмасини шакллантириш мақсадида мастер-класслар ташкил этишга қаратилган сертификатларни топширди. Шунингдек, мазкур жамоат фонди томонидан босма ва интернет нашрларда фаолият олиб бораётган журналист хотин-қизлар ўртасида ўтказилган «Матбуотимиз маликаси» танлови ғолиби ҳам эълон қилинди. Унга кўра «Учитель Узбекистана» газетаси масъул котиби Наргиза Қосимова ғолиб деб топилиб, тақдирланди.

Шунингдек, анжуман давомида Ўзбекистон аҳолисига ва хорижий аудиторияга мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган воқеалар тўғрисида ўз вақтида холис ахборот тарқатиш, мамлакатнинг барча ҳудудларидаги ахборот ресурсларни бирлаштириш орқали ягона ахборот тизимини яратиш мақсадида ташкил этилган «REGION INFORM» ахборот хизматининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Анжуман давомида Республикамиз оммавий ахборот воситаларидаги ютуқ ва муаммолар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Анжуманнинг иккинчи кунида эса иштирокчилар пойтахтимиз марказидаги Мустақиллик ва Эзгулик монументига гулчамбарлар қўйишди. Бу журналистларимизга «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган жамиятда эзгулик ва бунёдкор ғояларни тарғиб қилиш вазифасининг амалий рамзи бўлиб хизмат қилади. Шундан сўнг иштирокчилар «Uzbekiston Today» газетаси ҳамда «REGION INFORM» ахборот хизмати таҳририятлари фаолияти билан танишишди. Иштирокчиларда мазкур таҳририятларнинг замонавий технологияда янгича иш юритиши катта таассурот қолдирди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари ва турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, марказий ва ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари бош муҳаррирлари ҳамда маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этишди.

# ЁШЛАРГА ХОС ТАШАББУСКОРЛИК

***Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз салоҳиятига бўлган ишончини ошириш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашларига кўмаклашиш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.***

**Икром ИМОМОВ**




ХУСУСАН, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан 2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Келажак овози» республика кўрик-танлови ана шундай нуфузли ва хайрли тадбирлар сирасига киради. Ушбу дастур режасига мувофиқ «Келажак овози» республика ёшлар ташаббуслари маркази ва Тошкент давлат техника университети ҳамкорлигида танловнинг «Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар» номинацияси ғолиблари ва фаол иштирокчилари ўқув семинарлари бўлиб ўтди. Унда иштирок этган 20 нафар қатнашчилар тажриба синов майдонларида ўзларининг илмий лойиҳаларини намойиш этишди.

Семинар якунида ҳар бир иштирокчининг мустақил ишлари тақдимоти ҳам ўтказилди. Шунингдек, «Келажак овози» танловига тайёргарлик доирасида Ўзбекистоннинг барча вилоятларни боғлайдиган видеоконференция ташкил этилди. Унда танловни жойларда ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар, жумладан, танлов ишчи гуруҳининг шу кунгача олиб борган фаолияти, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларининг бориши, минтақавий саралаш босқичларига тайёргарлик кўриш, номзодлардан аризаларни қабул қилиш ҳамда ҳакамлар ҳайъати ва мутасадди ташкилотларнинг вазифалари каби масалалар муҳокама қилинди.

Ўз ўрнида мазкур видеоконференция давомида замонавий технологиялар ёрдамида вилоятлардаги танловга тайёргарлик жараёнлари ва уни ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботлар ҳам тингланди.

# ЖАМИЯТ ВА СОЛИҚ

*ёки фуқароларнинг солиқ тўлаш маданияти*

***Нукус, Қарши ва Термиз шаҳарларида ҳудудий солиқ идораларининг матбуот хизматлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини соҳага профессионал жиҳатдан ёндашувларини ошириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш» мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.***

**Муҳиддин ҚОБИЛОВ**

МАЗКУР тренингдан кўзланган мақсад, ҳудудлардаги оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистларни мамлакатимизда олиб борилаётган солиққа оид ва молиявий ислоҳотлар билан чуқурроқ таништиришдан иборат. Шунингдек, Давлат Солиқ қўмитасининг ҳудудий бўлимларидаги матбуот котиблари газета, радио ва телевидениедаги ҳамкасблари билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйишини таъминловчи профессионал ёндошувларга ўргатилди.

Ўзбекистон Республика Давлат солиқ қўмитаси БМТ Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда ташкил эттан бу семинар қатнашчиларига қўмита, Молия вазирлиги мутахассислари ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази тренерлари томонидан сўнгги пайтларда солиқ қонунчилигига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва фуқароларда солиқ тўлаш маданиятини ошириш мавзуларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ҳақида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Бундай тадбирлар республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилиши режалаштирилган.

# ИЛҒОР ҒОЯЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИККА ДАЪВАТДИР

***Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси 1998 йил 28 декабрда ташкил этилган. 2000 йил 14 апрелда Ватан тараққиёти партияси ва «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг қўшма қурултойида уларнинг бирлаштирилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.***

ПАРТИЯНИНГ бош мақсади — эркин бозор муносабатларига асосланган очиқ, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамияти негизларини барпо этиш, эл-юрт турмуш даражасини топтаққий топган давлатлар даражасига кўтариш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишига амалий ҳисса қўшишга қаратилган.

«Фидокорлар» миллий демократик партияси (ФМДП) ўзининг қарийб ўн йиллик фаолияти мобайнида сиёсий тажриба орттириш, сиёсий етуклик ва молиявий мустақилликка эришиш, ўз электоратини шакллантириш борасида маълум бир йўлни босиб ўтди. Партия ўзининг асосий электорати сифатида янгилик ва яратувчанликка, бунёдкорликка интилувчи, миллий истиқлол ғояларига содиқ, фидойи шахслар, жамиятнинг турли бўғинлари, айниқса, ёшлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига таянади. Партия ўз мақсадларини рўёбга чиқаришда партия Низом ва Дастурида белгиланган йўналишларни асосий вазифа деб ҳисоблайди. Айни пайтда партиянинг 14 та ҳудудий, 171 та туман, 28 та шаҳар кенгашлари, шунингдек, 3132 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. 2007 йил январь ҳолатига кўра, ФМДП аъзолари сони 77 546 нафарга етди, шундан 43 фоизини ёшлар, 40,7 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Албатта, партиянинг халқ орасида обрў-эътибор қозониши унинг ғоя ва мақсадларига оммани қай даражада ишонтира олишига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида партия фаолиятини холисона баҳолаш учун ўзига хос мезон ҳам ҳисобланади.

> *Айни пайтда партиянинг 14 та ҳудудий, 171 та туман, 28 та шаҳар кенгашлари, шунингдек, 3132 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. 2007 йил январь ҳолатига кўра, ФМДП аъзолари сони 77 546 нафарга етди, шундан 43 фоизини ёшлар, 40,7 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.*

Хўш, ФМДП ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошириш учун барча имкониятларини ишга солаяптими? Партия Низоми ва Дастурида белгиланган вазифалар тўлалигича бажарилаяптими? Вилоят ва туман партия ташкилотларининг бу борадаги ўрни қандай? Жойлардаги партия бошланғич ташкилотларида аҳвол қониқарлими, деган саволларга амалий иш билан жавоб бериш давр талабидир.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган ва Сенат томонидан тасдиқланиб, яқинда мамлакатимиз Президенти томонидан имзоланган конституцион қонун айнан партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва давлат ҳокимиятини ташкил қилиш, жамоат назоратини амалга ошириш ва қарорлар қабул қилишдаги ролини кучайтиришга қаратилганлиги сиёсий партиялар зиммасига янги вазифалар ва улкан масъулият юклаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу борада ФМДП сиёсий элитани шакллантириш, партия ишига малакали кадрларни жалб этиш тажрибасини такомиллаштириш каби масалаларга эътибор қаратган ҳолда ўз дастури ва иш режасини ишлаб чиқди.

2006 йилда партиянинг Ҳаракат дастури ва йиллик режасига асосан Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Халқаро «Экосан» ташкилоти, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Байналмилал маданият маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Меҳр-шафқат», «Нуроний», «Олтин мерос» жамғармалари ва яна бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимиз миқёсида 3000 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Тадбирларда жами 250 мингга яқин партия фаоллари ва электорати вакиллари иштирок этдилар.





## ЮКСАК БИЛИМ ВА АМАЛИЁТ

МАМЛАКАТИМИЗДА икки палатали парламентнинг вужудга келиши қабул қилинаётган қонунлар билан бирга инсон манфаатлари тўғрисида кўпроқ қайғуриш, депутат сифатида сайловчи ишончини оқлашга қаратилган ҳаракатларнинг жадаллашишига олиб келди. Маълумки, партиянинг халқ орасида ҳурмат-эътибори ошишида партиядан сайланган депутатларнинг серқирра фаолияти алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Фидокорлар» МДП фракцияси ўз таркибида қонун ижодкорлиги йўлида катта ҳаётий тажриба тўплаган ва айни пайтда замон руҳи билан ҳамнафас ҳолда сиёсий майдонга кириб келган турли ёшдаги сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий салоҳиятга эга 18 нафар депутатни бирлаштиради. Улар нафақат фракцияда, балки ўзлари аъзо бўлган тегишли қўмиталарда ҳам самарали фаолият кўрсатишга интилмоқдалар.

Ўтган давр мобайнида фракция ўз фаолиятини қонун ижодкорлиги, қуйи палата муҳокамасига киритилган қонун лойиҳалари юзасидан таклиф ва мулоҳазалар бериш, қонунлар ижросини назорат-таҳлил қилиш, тарғибот-ташвиқот ва услубий ишлар юзасидан семинар-тренинглар ўтказиш, фракция ва партиянинг халқаро ташкилотлар билан алоқасини жонлантириш, фуқаролар мурожаатлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш йўналишида олиб борди. Қонунчилик палатаси регламентидан келиб чиқиб фракция аъзолари ўтган икки йилда икки юз элликдан ортиқ учрашувларда етмиш мингга яқин сайловчилар билан учрашдилар. Мазкур учрашувлар мобайнида тадбиркорлар, ишбилармонлар, бюджет ташкилотлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан ҳамда бошқа сайловчилар билдирган таклиф ва мулоҳазалар ўрганилди.

Айниқса, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан «Фуқаролик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва мантиқий маромига етказишда, «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунни уч ўқишда тайёрлаб, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинишида фракция аъзолари фаол иштирок этдилар. «Йод етишмовчилиги профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланиши жараёнида ҳам фракция аъзолари томонидан билдирилган аниқ, ҳаётий фикр-мулоҳазалар инобатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритган ва бугунги кунда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15–бандига, 102–моддасининг 2–қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари фракция аъзолари томонидан ўз вақтида атрофлича муҳокама қилинди. Бу борада жойларда қатор тадбирлар ўтказилиб, уларда 10 мингдан ортиқ партия фаоллари ҳамда партия ғоя-қарашларига хайрихоҳ бўлган фуқаролар қатнашди. Шунингдек, партия фаоллари томонидан ўтказилган худди шундай 175 та тадбирда 46 мингга яқин фуқаро иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ҳамда қўмиталарда кўрилаётган ва тайёрланаётган қонунлар лойиҳалари юзасидан фракция аъзолари қўллаб аниқ таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Уларнинг кўпчилиги инобатга олинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

## МАТБУОТ ХИЗМАТИ — ПАРТИЯ КЎЗГУСИ

ФМДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати 2006 йил январь ойида ташкил этилган. Партиянинг барча ҳудудий кенгашларида ҳам матбуот хизмати йўлга қўйилган. Партия ўз веб сайти (www. Fidokorlar.uz)га эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларида қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, ҳукумат қарорлари қонун ости ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларга тезкорлик билан муносабат билдиришга ФМДП Марказий Кенгаши аъзолари, ФМДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар Кенгашлари биринчи котиблари, фаоллари жалб қилиниб, уларнинг чиқишлари оммавий ахборот воситалари саҳифаларида ёритилмоқда. «Fidokor» газетаси саҳифаларида партия ҳаётини ёритишга кенг ўрин берилган. «ФМДП ҳаётидан», «Жараён» каби доимий рукнлар остида давр руҳини, унинг турли қирраларини ўзида акс эттирган материалларнинг чоп этилаётгани газетхонларнинг диққат-эътиборини тортмоқда.

## ОҚИЛА АЁЛ — ОИЛА ВА ЖАМИЯТ КЎРКИ

ФИДОКОРЛАР МДП «Фидокор аёл» ҳаракати партия фаолиятининг дастлабки йиллардаёқ ташкил этилган. У ўз сафига касб-коридан, ёши ва миллатидан қатъий назар ватанпарвар, фидойи, партия ишига хайрихоҳ бўлган хотин-қизларни бирлаштирган. Фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида сиёсий партия аъзолари бўлган хотин-қизларнинг ўрни катта эканлигига шак-шубҳа йўқ. Чунки сиёсий етук, дунёқараши теран бўлган хотин-қизлар демократик жамият қуриш моделларини яхши билади ва уни халққа етказишда фаол бўла олаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Хотин-қизларнинг маърифатли, оқила бўлиши ҳамда оилани тарбиялашдаги ролини оширишда ҳам партиянинг жойларда ўтказадиган маданий, маърифий тадбирлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда сиёсий лидер аёлнинг касбий фазилатлари ва сиёсий билимлари фуқаролик жамияти қуриш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. «Фидокор аёл» ҳаракатининг дастурида ушбу вазифалар аниқ белгиланган. Айни кунда барча олий ўқув юртларида ФМДП лидер қизлар клубини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш борасида ишлар қизғин кетмоқда. Зеро, аёл зийрак ва ақлли, доно бўлса, унинг хонадони файзли, фарзандлари етук, меҳнаткаш, ҳалол, фидойи инсон бўлиб тарбияланадилар.

## БАЛЛИ, ФИДОКОР ЁШЛАР!

ФМДП нинг «Ёшлар қаноти» Ўзбекистондаги мавжуд сиёсий партиялар орасида биринчилардан бўлиб 1998 йилда ташкил этилди. ФМДП «Ёшлар қаноти» ўз рамзий тимсоли ва мадҳиясига эга.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, партиянинг негизи янгича фикрлайдиган фидойи ёшлардан иборат. 2000-2006 йиллар мобайнида болаларнинг ёзги таътил кунларида ФМДП барча вилоят ташкилотларининг ташаббуслари билан жойлардаги болалар оромгоҳларида Республика миқёсида «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида ёшларнинг ватанпарварлик қўшиқ фестиваллари, «Биз истиқлол фарзандларимиз!», «Ватаним ифтихорим», «Соғломжон – полвонжон», «Эгали юрт эркини бермас», «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур», «Ватан ягонадир – Ватан биттадир!» каби мавзуларда мингдан ортиқ катта-кичик форум ва тадбирлар ўтказилди.

Ушбу тадбирлар мамлакатимизнинг 30 дан ортиқ туман ва шаҳарларида, чекка овул ва қишлоқларда ўтказилиб, уларда 300 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этдилар. Тадбирдан тушган маблағ мамлакатимизнинг 110 та туманидаги олис қишлоқларда жойлашган мактаб ва шаҳарларда 660 та минифутбол, волейбол ва спорт гимнастикаси майдончалари барпо этилди.

Бундай тадбирлар, оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий амалиётлар, турли мулоқотлар ва учрашувлар партиянинг кўп минг сонли сайловчилари билан ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, аъзолар ва хайрихоҳлар сонининг ошиб боришига, пировардида партия аъзоларининг сифат таркиби яхшиланишига йўл очмоқда.

**Ўзбекистон Фидокорлар МДП МК матбуот хизмати**

ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ
2007 йил 20 апрель №16 (29)

*Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш баробарида халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, шунингдек, рўй бериш эҳтимоли бўлган турли табиий офатлардан нафақат фуқароларимиз ҳаётини, балки атроф-муҳитни ҳам муҳофаза қилишдек долзарб вазифалар давлат сиёсати даражасига кўтарилди.*

Азамат СУЮНОВ

# АҲОЛИ ҲУШЁРЛИГИ – ОСОЙИШТАЛИК КАФОЛАТИ

### ХАЙРЛИ ЮМУШЛАР ДЕБОЧАСИ

ЎЗБЕКИСТОН Президентининг 1996 йил 4 мартдаги Фармонига кўра аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини турли офатлардан муҳофаза қилиш, республика ҳудудида рўй бериши эҳтимоли бўлган табиий ва техноген ҳамда экологик хусусиятли фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилиб, унинг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги жойлардаги, хусусан, Тошкент шаҳар бошқармасидаги фуқаро муҳофазаси тизимини шакллантиришда соҳани яхши тушунган етук кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Дунёда касблар кўп. Ким қайси касбни танлаши унинг иқтидори, салоҳияти, ақлию қобилиятига боғлиқ. Бироқ қутқарувчилик касби барчанинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу шубҳасиз, ўта масъулиятли, шу билан бирга шарафли, хайрли касбдир. Вазирликнинг авария-қутқарув кучлари сафидаги йигитлар инсон ҳаёти учун бор куч-имкониятини, керак бўлса, ўз жонини ҳам аямайди. Бундай қутқарувчиларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Айтиш жоизки, қутқарув хизмати ходимларининг малакасини ошириб бориш давр талаби.

### МАҲАЛЛАДА КЎНГИЛЛИ ҚУТҚАРУВЧИЛАР

ОСОЙИШТАЛИК маҳалладан бошланади. Шунинг учун ҳам «Маҳалланг тинч – сен тинч», дея бежиз айтилмайди. Бунинг замирида энг аввало, халқимизнинг умрбоқий қадриятлари мужассам.

«Ўзини асраганни, Оллоҳ ҳам асрайди» деганларидек, ҳар бир инсон ҳушёр ва зийрак бўлиши, рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тайёр туриши, унинг олдини олиш ва бартараф этишга оид муайян билимларга эга бўлиши талаб этилади.

Шу боис, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси мутахассислари маҳаллалар осойишталигини таъминлашда ва авария-тиклаш, қидирув-қутқарув ишлари ҳамда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам бериш бўйича ҳар йили 21 соатлик дастур асосида машғулотлар ўтказишни ташкиллаштирдилар. Шундан сўнг пойтахт маҳаллалари билан ҳамкорликда иш олиб бориш йўлга қўйилди, туманларда маҳалла фаолларининг семинар йиғилишлари мунтазам ўтказилишига эришилди.



*Осойишталик маҳалладан бошланади. Шунинг учун ҳам «Маҳалланг тинч – сен тинч», дея бежиз айтилмайди. Бунинг замирида энг аввало, халқимизнинг умрбоқий қадриятлари мужассам. «Ўзини асраганни, Оллоҳ ҳам асрайди» деганларидек, ҳар бир инсон ҳушёр ва зийрак бўлиши, рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тайёр туриши, унинг олдини олиш ва бартараф этишга оид муайян билимларга эга бўлиши талаб этилади.*

Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номли маҳалла оқсоқоли Собир Комилов ибратли бир ишга қўл урди. Маҳалла идорасининг деворларини фуқаро муҳофазасига оид плакатлар билан безашдан ташқари, шу маҳалла харитаси, тиббиёт, газ, сув қувурлари, электр-энергия соҳаси мутахассислари тўғрисидаги (исми-шарифи, манзили, телефон рақами, мутахассислиги) маълумотларни жамлади. Фавқулодда вазиятлар рўй берган тақдирда хабар бериш телефонлари ҳақида зарур йўриқномалар алоҳида плакатларда ёзиб қўйилгани ҳам ибратга лойиқдир. Бундан ташқари, яна бир плакатдан маҳалланинг «жамоатчи қутқарувчилари» бўлган 14 нафар фуқаро тўғрисида тўлиқ маълумот ўрин олган.

— Маҳалламиз Чирчиқ дарёси бўйида жойлашган. Бундан анча йиллар муқаддам баҳорги сел ва тошқинлар бизга анча-мунча «сабоқ» берган, — дейди оқсоқол. — Шу боис яшаш манзилимизни ана шундай вазиятлар пайдо бўлганида эҳтиётлаш, асраш мақсадида маълум чораларни кўриб қўйганмиз. Хусусан ёнғин, авария ва табиат инжиқликлари юз берса, ёрдам кучлари келгунга қадар, амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар тартиби белгиланган: маҳалланинг харитаси кўчаларнинг кўрсаткич чизиқлари, шу ерда яшайдиган турли мутахассисликка эга бўлган фуқароларимиз тўғрисидаги маълумотлар ёзилган.

Бир неча йил муқаддам Германия Федератив Республикасидан мамлакатимизга тажриба алмашиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташриф буюрган делегация маҳаллаларда профилактик ишларнинг олиб борилиши билан таништириш мақсадида шу маҳаллага олиб келинди. Маҳаллалардаги намунали ишларни кўриб, «Сизлардан ўрганишимиз лозим бўлган янгиликлар кўп экан» дейишди улар. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда аҳоли ҳушёрлигини ошириш, катта самара беришини, маҳаллада уюшган, онгли, иқтидорли ва ҳар қандай муаммоли масаланинг ечимини топа оладиган инсонлар борлигини меҳмонлар ўз кўзлари билан кўриб ишонч ҳосил қилдилар. Орадан кўп ўтмай, Германияга республикамиздан делегация таклиф қилинди. Улар сафида ибратли маҳалла оқсоқоли Собир Комилов ҳам бор эди. Германияда ўтказилган анжуманда маҳалла оқсоқоли маъруза қилганида, 50 та давлатдан ташриф буюрган делегациялар вакиллари ўринларидан туриб, қарсак билан олқишлашди.

### ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

ХАЙРЛИ иш эзгуликка етаклайди. Жорий йилда республикамиздаги барча вилоятларнинг Фавқулодда вазиятлар бошқармалари бошлиқлари Аҳмаджон Назаров маҳалласи тажрибасини ўрганиш учун келдилар. Улар маҳалла фаолиятига ижобий баҳо бериб, бу тажрибани ўз ҳудудларида тарғиб қилиш ниятини билдирдилар. Орадан кўп вақт ўтмасдан 3 та автобусда Жиззах шаҳри оқсоқоллари тажриба ўрганиш учун бу ерга келишди. Ўрганиш асносида шу нарсага амин бўлдилар: бу маҳаллада аҳолининг осойишталигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида профилактик ишлар доимий ўтказилади.

Ушбу тажриба Тошкент шаҳридаги бошқа маҳаллалар фаолияти учун ҳам асқотди. Янгиобод, Умид, Тарновбоши, И. Юнусов маҳаллаларида ҳам «Фуқаро муҳофазаси» бурчаклари ташкил қилиниб, маҳалла аҳолиси билан мазкур соҳа бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Эзгу ишнинг қаноти бўлади, деганларидек, бу тажриба шаҳарнинг бошқа туманларига ҳам кенг ёйилди.

---

**Мулоҳаза**

*Биз киммиз? Бу савол, сиртдан қараганда, бироз жўн туюлади. Бироқ ана шу саволга жавоб излаш асносида унинг нақадар салмоқли эканини тушуниб олиш мумкин. Аслида дунёдаги барча ҳақиқатлар энг содда саволларга жавоб излаш жараёнида юзага келган. Хусусан, одамзод учун киндик қони тўкилган тупроқ муқаддасдир деган ҳақиқат ҳам.*

## БИЗНИ ВАТАН МАНФААТЛАРИ БИРЛАШТИРАДИ

Озод ЖАҲОНГИРОВ

ЛЕКИН ҳамма замонларда ўз даври ҳақиқатларини англаш осон кечмаган. Бундан бизнинг давримиз ҳам мустасно эмас.

Афсуски, биз ҳанузгача эски тузумдан мерос бўлиб қолган айрим одатлардан воз кеча олмаяпмиз. Баъзи фуқароларимиз дунёқарашида ҳамон «Бу меники эмас, давлатники» деган кайфият мавжуд. «Арзимаган воқеага вақтимни кетказаманми» деган бепарволикдан қутилишимиз қийин кечмоқда.

Дарвоқе, ўйлаб кўрганмисиз, давлат аслида қандай таркиб топади? Давлат фуқаролар манфаатлари уйғунлиги эмасми? Худди шундай. Лекин собиқ тузум шароитида бундай қарашлар билвосита инкор қилинди. Чунки, тоталитар тузумда давлат халқ билан ҳисоблашмаган. Ўз навбатида халқ ҳам ўзини бошқараётган сиёсатда манфаати қанчалик ифодаланаётгани билан қизиқмаган. Оқибатда давлат билан халқ ўртасида кўринмас девор бор эди. Ўтмишда биз ана шундай ҳолатга тушган эдик.

Биз бугун миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, фуқаролик жамиятини ҳам барпо этаяпмиз. Кучли фуқаролик жамияти асосида ҳар бир фуқаронинг ўзини-ўзи бошқариш кўникмаси ётади. Ўз ҳуқуқларини, шунингдек фуқаролик мажбуриятларини яхши билган, қонунларга ҳурмат ҳисси, ҳуқуқий онги ва маданияти шаклланган кишиларгина фуқаролик жамияти асосларининг мустаҳкамлигини таъминлай оладилар. Демак, ана шундай шароитда баркамол шахс маънавияти юксалади. Натижада, тақдирини давлат тақдири, Ватан тақдири билан яхлитликда қабул қиладиган фуқаролар жамияти шаклланади.

# ЭКСПОРТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

***Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида мамлакатимиз Президенти ўтган йилда ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга ўсганлигини таъкидлаган эди. Бу — ишлаб чиқариш ҳажмининг саноатда 10,8, қишлоқ хўжалигида 6,2 фоизга ошгани, инвестицияларнинг 11,4, қурилиш-пудрат ишларининг 12,8, хизмат соҳасидаги кўрсаткичларнинг 19,5 фоиз ошгани билан изоҳланди.***

**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Жамият»мухбири**

ЭРИШИЛГАН ўсиш суръатлари ва юксак макроиқтисодий кўрсаткичлар жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича мамлакатимиз иқтисодиётини кучли ва барқарор ривожлантиришнинг амалий ифодасидир.

**РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА**

ЎТГАН йил якунларига кўра, Тошкент вилоятидаги «Янгийўл ёғ-мой» Хорижий инвестиция иштирокидаги очиқ акциядорлик компанияси 2005 йилдагига нисбатан 16580 тонна кўп, яъни 80873 тонна техник чигит қайта ишланди. Бундан 14550 тонна тозаланмаган ёғ, 12898 тонна тозаланган ёғ, 35704 тонна шрот ва 25837 тонна шелуха ишлаб чиқарилди. Чигитни қайта ишлаш самарадорлиги 2005 йилга нисбатан анча ошди. Бу эса қайта ишлаш жараёнида хомашёнинг табиий йўқолишини камайтирди.

Натижада ўтган йил якуни бўйича корхона давлат бюджетига 6 миллиард 869 миллион 623 минг сўм маблағ туширди.

Акциядорлик жамиятида бошқарув фаолиятининг яхшиланиши, маркетинг ва менежмент асосларини ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши ишлаб чиқариш режаларини бажарилишини таъминлади. Бу эса, биринчидан, корхона экспорт салоҳиятини оширишга ва ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг янада яхшиланишига олиб келди. Масалан, корхона ўтган йилда хорижга 364 тонна қадоқланган пахта ёғи ва 940 тонна хўжалик совунни экспорт қилди. Бундан ташқари, жамоанинг хомашё манбаи ҳисобланган фермер хўжаликларига ўз вақтида шрот ва шелуха маҳсулотлари етказиб бериш таъминланмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган Тошкент вилоятидаги 21 та, Навоий вилоятидаги 5 та ва Жиззах вилоятидаги 3 та савдо шохобчаларининг ўрни алоҳида бўлмоқда. Ушбу шохобчаларда 54 нафар кишига иш ўринлари яратилди.

**МАҲСУЛОТ СТАНДАРТ ТАЛАБЛАРИГА МОС**

АЛБАТТА, корхона иқтисодиётининг мутаносиб суръатда ўсиши таркибий ўзгаришлар ва модернизациялаш, тармоқларни техника ва технологик жиҳатдан янгилаш билан узвий равишда боғлиқ. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талаблари даражасида корхонада ишлаб чиқариш, мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган тизим ишлаб чиқилди. Корхонада маҳсулот сифатига эътиборни кучайтириш, лабораториялардаги ўлчов асбобларини тўлиқ комплектлаш, ишлаб чиқариш ускуналарини модернизация қилиш яхши самара берди.

Лабораториялар учун янги замонавий қуритиш шкафи, чигит таркибидаги намликни ўлчаш асбоблари, электрон тарозилар сотиб олинди.

— Ўтган йил давомида корхона бўлимларини техник жиҳатдан

> *Ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар Ўзбекистон Президенти Фармонига биноан беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилгани хорижий инвестиция асосида илғор замонавий ускуналарни ўрнатиш, пировардида маҳсулот ҳажми ва сифатини ошириш имконини бераяпти.*

қайта жиҳозладик, жисмоний ва маънавий эскирган ускуналарни янги, замонавий, камчиқимларига алмаштирдик. «Армстронг» фирмасининг конденсат тўпловчи 8 та мосламалари ўрнатилди,—дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Эркин Ибрагимов. — Яна бир янгилик: заводнинг экстракция бўлимида «СКЕТ» фирмасининг 10 та қасқонли тостер ускунаси ўрнатилди. Мавжуд қувурлар термоизоляция қилинди. Бу эса технологик буғдан тежамли фойдаланиш имконини яратди. Эндиликда Ўзбекистон Президенти Фармонига биноан ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилади.

Корхонада ишлар босқичма-босқич амалга оширилаяпти. Хорижий инвестиция асосида Краснодар механика заводидан совун қуритиш ва кесиш ускунаси олиб келинди. Шунингдек, электр подстанциясига қўшимча тизим қўшиш ва қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тузилди. Амалга оширилаётган бу каби тадбирлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини назорат қилишни кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

**РАҒБАТ**

АКЦИЯДОРЛИК жамиятида ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кам таъминланган, иқтисодий ночор кишиларга ёрдам кўрсатиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Барча бўлимлардаги кийиниб-ечиниш хоналари таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш озодалиги таъминланди. Ўтган йили бу ишларга 81 миллион 300 минг сўм маблағ сарфланди.

Энг муҳими, ўтган йил давомида ишчи ва хизматчиларининг ойлик иш ҳақи 2005 йилдагига нисбатан 15334 сўмга ошди. Айни кезда корхонада ўртача ойлик иш ҳақи 142 минг 971 сўмни ташкил этмоқда.

Акциядорлар ҳам яхши даромад олишаяпти. Ўтган йилнинг 1 ярим йиллиги бўйича уларга 535 миллион 845 минг сўм дивиденд тўланди. Соф фойда ҳисобидан меҳрибонлик уйларига, касалхоналарга, Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 19 миллион 316 минг сўм ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Албатта корхона жамоасининг қўлга киритаётган салмоқли ютуқлари астойдил қилинган меҳнат самарасидир.

*Иқтисодиёт*

# ҲИСОБНИ БИЛГАННИНГ ҲАМЁНИ ТЎЛА

## *Буни жиззахлик фермерлар ўз фаолиятлари мисолида англаб етмоқдалар*

***Юртимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда АТ «Пахта банк»нинг филиаллари ҳам кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, банкнинг Жиззах вилоят бошқармаси мижозлари бўлган 2415 фермер хўжалигига пахта хомашёси учун 14.469,1 миллион сўм, ғалла етиштириш учун 3.440,0 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратди.***

**Норкул МАМИРОВ,**
**«Жамият» мухбири**

**КРЕДИТ — МАДАД**

— БУНДАН ташқари фермерларга 2006 йил мобайнида 16 дона «Класс» русумли комбайн, 11 дона «Т-4А» трактори, 28 дона «ТТЗ-80-10» русумли чопиқ тракторлари, 12 дона культиватор, 4 та пуркагич, 8 та тиркама ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун тижорат кредитлари ажратилди, — дейди бошқарма бошлиғи Зафаржон Эргашев. — Бу моливий омиллар замонавий деҳқончилик маданиятига замин яратаяпти. Деҳқон елкасига офтоб тегиб мулкдорга айланаяпти...

Арнасой туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раиси Рустам Ўтабоевнинг ҳисоб-китобига кўра, жорий йилда 334 тонна дон етиштирилади. Бу — ҳар гектар ердан 50,1 центнер дегани. 86 гектар ерга чигит экиб, 258 тонна пахта етиштириш режалаштирилган. Бу эса ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнердан юқори бўлади дегани. Соф даромад 55 миллион сўмга етиши мўлжалланаяпти.

— «Пахта банк»нинг Арнасой туман филиали бизга намунали хизмат қилмоқда, — дейди у. — Банк ва консалтинг хизматлари ўз вақтида кўрсатилмоқда. Яқинда, банкдан 2007 йил кутилаётган фойда ҳисобидан 122.284,0 миллион сўм имтиёзли кредит олдик. Унга «Класс» русумли ғалла ўриш комбайни ва 24.987,9 миллион сўмлик «МТЗ-80» русумли чопиқ трактори харид қилдик. Яна бир гап: хўжалигимиз банкнинг маълум миқдордаги акциясига ҳам эга.

Дўстлик тумани «Тараққиёт» фермер хўжалигининг 77 гектар экин майдони бор. Хўжалик ўтган йили «Пахта банк»нинг Дўстлик тумани филиалидан 25 миллион сўм имтиёзли кредит олиб. «МТЗ-80» русумли чопиқ трактори харид қилди. Яп-янги беминнат дастёр айни дамда деҳқонларга қанот бўлмоқда.

**ЮТУҚЛАР КАЛИТИ**

ЮРТИМИЗДА фермерлик ҳаракати кенг ривожланмоқда. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, корхоналар ҳам фермерлар учун, яъни ўз мижози манфаатлари учун хизмат қилаяпти. Жорий йилнинг ўтган чорагида «Пахта банк»нинг Жиззах вилоят бошқармаси филиаллари томонидан фермерларнинг техникага бўлган талабини қондириш мақсадида 2.408,4 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Одамларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш каби масалалар долзарб вазифалардандир. Бу борада ўтган йили вилоятда тадбиркорларни, кичик ва хусусий бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Пахта банк» филиаллари томонидан ажратилган кредитлар 7.894,6 миллион сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан банк филиаллари томонидан 92 та шахсий ёрдамчи хўжаликларга 72,0 миллион сўм миқдорда имтиёзли, мақсадли микрокредитлар ажратилди. Шунингдек, банк ўз маблағлари ҳисобидан 67 та шахсий ёрдамчи хўжаликка 54,9 миллион сўм ажратиб, 100 дан ортиқ чорва моллари сотиб олинишида ёрдам кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, эл хизматида бўлаётган мазкур банк олиб бораётган хайрли ишлар, ватанимизда кечаётган ислоҳотлар билан уйғун. Олис қишлоқларда молия институтлари билан ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни ўрганаётган фермерлар эса жамият ва давлат мақсадларини тушуниб етаётган фуқаролар десак адашмаймиз.

# «ЛОТЕРЕЯ» МАШМАШАЛАРИ

## *ёхуд Урганч бозорларидаги айрим «антиқа» ҳолатлар хусусида*

***Кўча-кўйда ҳар хил воқеалар учраб туради. Бу воқеаларни кўриб баъзан ёқа ушлайсан, гоҳо кулиб қўясан, айримларини бир зумда хотирадан ўчирамиз. Аммо дўстларимдан бири айтиб берган воқеани эшитиб, донг қотдим. Турли саволлар оғушида, менда уни сиз азиз муштарийларга айтиб бериш истаги уйғонди...***

**Абдулла СОБИРОВ,**

**журналист,**
**Хоразм вилояти**

### БИРИНЧИ ҲИКОЯ

ЭРТАЛАБ ишга кетаётсам хотиним: «Дадаси, қайтишда йўл-йўлакай бозордан гўшт ҳам ола келинг», — деб қолди.

Рафиқамга «хўп» дедиму ишга йўл олдим. Тушлик вақти бозорга кирдим. Бир пайт ўспирин йигит йўлимни тўсди:

— Акажон, қўлингиз енгил кўринади, илтимос, мановини очиб беринг.

Тумонат одам орасида йўлка чеккасида стол тургани ва унга тақалиб қолаёзганимни сезмаган эканман.

Кичкина муҳрчага ўхшаб кетадиган тугмачаларни олиб ташлаб, қоғоз букламини очдим. Не кўз билан кўрайки, ички саҳифада «180 минг сўм ютуқ» деган ёзув турарди.

— Раҳмат ака, чиндан ҳам қўлингиз енгил экан. Сизнинг шарофатингиз билан шунча пул ютдим, — астойдил мамнун бўлди ҳалиги йигит. Лотереячи йигит унга нақ 180 мингни кўз ўнгимда санаб берди. Шунда ҳалиги «мижоз» ҳозиргина ўзи санаб олган мингталиклардан бирини унинг қўлига тутқаза туриб деди:

— Буниси «қўли енгил» акамиз учун.

«Ютуқ эгаси» бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Мен ҳам ғаройибот рўй берган жойдан узоқлаша бошласам орқадан овоз келди:

— Ҳе, ака, бу сизнинг пулингиз. Бировнинг ҳақи бизга керакмас.

Беихтиёр орқага қайрилдим. Ҳалиги йигит ташлаб кетган мингталик лотереячининг қўлида омонатгина ҳилвираб турарди.

— Келинг, яхшиси бу пулга сиз ҳам лотерея уйнай қолинг. Худо «ол қулим» деса, балки 10 миллион ютарсиз.

— Майли, олинг биттасини ва ўзингиз очинг.

— Йўқ ака, бизга очиш мумкин эмас. Хоҳлаган биттасини олинг-да, ўзингиз очаверинг.

Танлаб-танлаб қоғозлардан биттасини очдим. Ичидаги ёзувни ўқишга улгурмасимданоқ ёнма-ён турган лотереячи хитоб қилди:

— Ўҳ-ҳў, ниҳоятда бахтли одам экансиз, «хазина» чиқди-я.

— «Хазина» дегани нимаси, иним?

— 18 минг сўм, дегани, ака. Мана пулингиз.

Сотувчи боғламдан 18 та мингталикни ажратиб олди. Шошилганча унга қўл чўздим.

— Э-э, йўқ, ака, бу пулни яна пул тиккан киши олади. «Хазина» дегани бу — жамғариб бориладиган бойлик. «Ютуқ» деган ёзув чиқса бўлди, жамғарилган барча пулларни олиб кетаверасиз.

— Хўш, у ҳолда қолган 500 сўмга яна битта чипта бера қолинг.

— 500 сўм энди камлик қилади, ака. Лотереянинг баҳоси - иккинчи босқичда 1000 сум.

Иккинчи босқичда ҳам ўйинни давом эттиришга қарор қилиб, у айтган пулни узатдим. Тағин «хазина». 18 минг 36 мингга айланди. Йигитнинг оғзи қулоғида. Қуюқ табрикдан сўнг яна «ўйин»га таклиф қилди ва чипта нархини 1500 га кўтарди. Хом сут эмган бандамасмизми, «ўйин»га астойдил киришдим. Ёпирай, яна «хазина».

— Бошингизга бахт қуши қўнганми, ака, энди пулингиз 72 минг бўлди. Уйинимиз қоидасига кўра учинчи босқичда ҳам «хазина»га эга бўлган кишининг ютуқлари қаторига баҳоси 100 минг турадиган битта қўл телефони қўшилади, — хитоб қилди у ва қувноқ овозда ҳаммага эшиттириб деди: — Бундай бахтга камдан-кам одам муяссар бўлади!

Ўтган-кетганнинг эътибори каминага қаратилганини шу топда илғамабман ҳам. Лотереячи эса тағин тантанавор оҳангда деди:

— Бундан буёғига ютуқларингиз миқдори икки эмас, тўрт марта ортади. Марҳамат яна лотереядан олинг.

Уйинга қизиқишим ортиб, гўшт олишни унутаёздим. Ёнимдаги пул уч кило гўштга етарди. Чамалаб кўрсам, бир кило гўштни наҳанг «лотерея» аллақачон «паққос» туширибди. 2000 сўмни тўлаб, яна битта лотерея харид қилдим. Тағин «хазина» чиқса-я. Ютуқлар миқдори энди 288 минг сўмга етди. Яп-янги «параболик антенна» тўплами ушбу ютуқнинг суюнчиси бўлди.

Ўйинни давом эттиришни ёки тўхтатишни ўйлаб, гарангсиб қолдим. Шу топ рўпарамда икки йигит пайдо бўлди. Улардан бири деди:

— Иримчилигим учун кечиринг, ака, ўзим очсам ҳечам омадим юришмайди.

Қўлимга тутқазилган чиптанинг тугмачасини эҳтиёткорлик билан қоғоздан ажратдим. «Янги келган харидор» кўз ўнгимда 180 мингни ютиб олди. Шу аснода иккинчи «харидор»нинг сўзини ҳам ерда қолдирмадим. У танлаб қўлимга тутқазган лотереяга 36 минг сўм ютуқ чиқди. Энди ширин хаёллар оғушида ҳеч иккиланмай гўштдан воз кечишга қарор қилдим. Чипта нархи — 2500 сўмга кўтарилди. Лотереячи яна огоҳлантирди:

— «Хазина» чиқса ютуғига 1 миллион сўм пул ва унга қўшиб чет элда ишлаб чиқарилган катта экранли телевизор берилади.

Устомон лотереячи ютуқларнинг барини «хазина»га жойлагач, яна каминага юзланди:

— Бу қадар кўп ютган одамни кўрмагандим. Ҳозир 10 миллион сўмлик ютуқ ва унга суюнчи - 4 та «Хива» гилами пойингизда турибди. 3 минг сўм дегани нима бўпти ака?

Ўша 3 мингнинг ҳам баҳридан ўтдим. 10 миллион сўм пул ва 4 та гиламни ҳам «накдгинага дўндирдим», лекин, ақалли 6 минг сўм ютиб, ўйинга хотима ясаш учун чўнтагимда атиги 500 сўм пул қолгани-ю чипта нархи бу гал 3500 сўмга кўтарилиши ҳечам хаёлимга келмабди.

«Лотерея сотувчи» йигитнинг қошида қанча қолиб кетганимни эслолмайман. Бироқ, шу орада яна 3-4 нафар «ўтган-кетган»нинг чиптасини тугмачалардан халос этиб, ҳар бирига фалон минг сўм пул «ютиб» берганим ва «лотереячи йигит» ҳар ютуқдан сўнг каминани ўйинга даъват этиб турганини ҳечам унутолмасам керак.

### ИККИНЧИ ҲИКОЯ

ОШНАМНИНГ ғаройиб ҳикоясидаги қинғирликнинг тагига кейинроқ етдим. Шу орада қўшни хонадонлардан бирида ҳам ғалати воқеа содир бўлди. Оила бекасининг айтишича, бозорда тирикчилик қиладиган ўғли кунларнинг бирида уйига 50 минг сўм пул келтирибди.

— Бу пулни қайдан олдинг, тўғрисини айт, болам. Ишқилиб, ўғирлик пул эмасми?

Она қалбидаги гумон болани ростгўйликка ундабди:

— «Бозорда «лотереячи»ларга мижоз «овлаб» бераяпман. Улар хизматимни қуруқ қолдирмаяпти. Бу — бир ҳафталик ҳаққим. Агар, сиз рози бўлсангиз, яна пул ишлаб келаман».

— Асло рози эмасман болам. Агар мард бўлсанг, пулни ҳалол йўл билан топ. Чўнтакда борини «сохта лотерея» тарқатувчилар қўлига тутқазиб, оқибатда рўзғорини хароб этган лақмалар оз дейсанми? Ўзингни хароб қилма, норозиликдан топилган пул барака келтирмайди...

### ҚИССАДАН ҲИССА

ИККИ воқеа сабаб бўлиб масаланинг тагига етишга аҳд қилдик. Ваколатли идоралар вакиллари билан ҳамкорликда юқоридаги воқеалар содир бўлган Урганч марказий деҳқон ҳамда кийим-кечак бозорлари ва унга туташ ҳудудларда лотерея ўйинининг аҳволини ўргандик. Ҳар иккала бозор ҳудудида ўндан зиёд лотерея тарқатувчи нуқталар борлиги маълум бўлди. Аммо, юқорида баён этилган икки ҳикоядаги воқеаларга ўхшаб кетадиган ҳолатни эса ўргана олмадик. Бозор олдида бир йўла уч нуқтада сохта лотерея ўйинини ташкил этувчилар текширувчиларни кўришлари ҳамоно жуфтакни ростлашди.

— Кўрганингиздек, бу жой бозорга туташ эса-да, ҳудудимиздан ташқарида, — деди кийим-кечак бозори масъулияти чекланган жамияти бош назоратчиси Бекберган Бобожонов. — Шунинг учун ҳам уларнинг ишини назорат қилолмаймиз. Оши ҳалол эмас уларнинг, йўқса, қочиб кетишмасди.

Ушбу майдон аслида шаҳар Коммунал хўжалик бўлимига қараркан. Демак, назоратсиз майдон ўз-ўзидан солиқ тўламай савдо қилувчилар маконига айланган. Бозор атрофидаги бундай «икир-чикирлар»га ачинмасликнинг иложи йўқ. Аммо, дадил айтиш мумкинки, профилактик тадбирлар асносида бу қусурларни бемалол бартараф этса бўлади.

Кузатувлар жараёнида халқимиз ва жамиятимизга кўпроқ наф келтирадиган расмий лотерея ўйинларини ҳам ўргандик. Юртимизда шодиёна тарзда нишонланаётган муборак саналар, тантаналар, маданий-спорт тадбирлари, табаррук сиймолар хотирасига бағишланган лотереялар таъсис этилаётгани ва уларнинг сармояси мамлакат ободончилиги, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, оммавий ва болалар спортини ривожлантириш ҳамда хайрия тадбирларига йўналтирилаётгани айни муддаодир.

Лотерея — миллионлар ўйини. Ўйин бўлса-да, фирибгарликни хушламайдиган ўйин.

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

Мақолани ўқиб, барча лотереялар, уларнинг ташкилотчи ва сотувчилари хусусида бирданига хулоса чиқариш ноўрин. Чунки мақолада «фош» этилган «лотереячи»лар бу ўйин воситасида нопок бойлик орттирадиган фирибгарлардир. Ҳақиқий ўйин фақат ҳалолликка, ҳақиқий лотерия эса омад ва бахт мезонига асосланади. Росмана лотерея лицензияланган бўлади.

Дарвоқе, мазкур лицензия қайси идора томонидан берилади?

Қуйида мавзуга дахлдор мутасадди идора вакилининг фикрлари билан танишинг.

***Искандар ҲАКИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Қимматли қоғозлар ва молия бозори бошқармаси бош иқтисодчиси:***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига лотереялар, тотализатор ва бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш ҳуқуқи берилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жами 20 та лотерея, тотализатор ва бошқа ўйинларни ташкил қилиш учун лицензиялар берилган. Улардан 14 таси Тошкент шаҳрида, қолганлари эса Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларида давлат рўйхатидан ўтган. Шундан 6 таси давлат идоралари томонидан таъсис этилган.

Лотерея ўйинларидан олинган даромаднинг маълум қисми бир қатор ижтимоий мақсадларга, жумладан, соғлом авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш каби соҳаларга йўналтирилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги «Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан тасдиқланган Низомга кўра, ютуқни тўлаш муддати тугагандан кейин талаб қилиб олинмаган ютуқ фонди ижтимоий-хайрия мақсадларга, шу жумладан, аниқ тарздаги ижтимоий дастурларни қўллаб-қувватлашга (болалар боғчалари, мактаблар, шифохоналар ва шу кабиларга молиявий ёрдам учун) йўналтирилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, амалдаги қонунларга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 январда қабул қилинган Фармойишига асосан лотерея ўйинидан тушган даромаддан 33 фоиз солиқ тўланади.

# БИР ЙИГИТГА ҚИРҚ ҲУНАР ОЗ

## Ҳунармандлар маҳаллада камол топаяпти



***Шаҳрихонлик тадбиркор Содиқжон Неъматов «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиб, «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини «Матиз» енгил автомашинасини қўлга киритишга муваффақ бўлди.***

**Одилжон ЖЎРАЕВ**

ЯҚИНДА Шаҳрихон туманидаги «Бешариқ» маҳалла фуқаролар йиғинига бордик. Маҳалла идорасига кираётганимизда бизни бир йигит тўхтатди.

— Кечирасизлар, ичкарида ҳунармандчиликка доир навбатдаги машғулот бўлаяпти...

Рухсат сўраб ичкарига кирдик. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўхтасин Деҳқонов ёшларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатишнинг Шаҳрихон тажрибаси сифатида нашр этилган «Ҳунармандлар шаҳри» рисоласи асосида машғулот ўтаётган экан.

Машғулотни кузатарканмиз, ёшларга касб-ҳунар ўргатиш ноанъанавий усуллар билан ташкил этилганини, шогирдлар эса устозлардан фақатгина касб-ҳунар сирларини эгаллаб қолмасдан, шарқона аҳлоқ-одобни, инсонийликни ҳам қалбларига жо қилаётганликларини англадик.

— Энди кандакорлик ҳақида сўз юритамиз, — дея машғулотни давом эттирди маҳалла раиси. — Маҳалладошимиз Содиқжон Неъматовнинг ҳунармандчилик бобидаги истеъдод учқунлари илк бор ўсмирлик чоғлари машҳур пичоқсоз Раҳматхўжа Алихўжаевга шогирд тушган кезларида кўрина бошлаган.

Содиқжон табиатан ҳар нарсага қизиқувчан йигит. Пичоқ ясашни ўрганиб олгач, унда анчадан буён орзу қилиб юрган ҳунари — кандакорлик санъатини ўрганиш иштиёқи туғилган... Кандакорлик, бу — қўлда бажариладиган нозик юмуш. У биргина асбоб — пўлат қалам ёрдамида амалга оширилади. Бундан ташқари, асбоблар таркибида яна болғача, нақш ўйилгандан кейин буюм сиртини ялтиратишда ишлатиладиган эговлар, ранда ва масқол бўлиши лозим.

Ўзбек наққошлигида, жумладан, кандакорликда нақш ва унинг турлари кенг тарқалган бўлиб, унда гажакдор таноблардан, гулбарг ва япроқлар шаклларидан кенг фойдаланилади.

Содиқжон Неъматов аллақачон бу илғор мактабнинг муаллимига айланиб бўлган. У ясаган санъат асарлари кескир, нақшинкор пичоқлар, ханжар ва қиличлар, кандакорлик санъати билан ишланган бир-биридан гўзал қинлар, бошқа кандакорлик буюмлари, турли тақинчоқлар ва заргарлик буюмлари вилоят, республика ҳамда халқаро миқёсдаги кўргазмаларда муваффақиятли намойиш этилмоқда. Бундан биз ҳар қанча фахрлансак арзийди, — дея сўзини якунлади Тўхтасин ака Деҳқонов.

Ҳа, Содиқжон Неъматов миллий ва сувенир пичоқлар, ошхона пичоқлари, офтоба, чилопчин, човгум, мис баркаш, вазалар, турли хил қутичалар, шамдонлар, мис чойнак, мис пиёла каби кўплаб турдаги харидоргир маҳсулотлар тайёрлаб келмоқда.

— Дарҳақиқат, «Бешариқ» маҳалласини ҳунармандлар маҳалласи десак, муболаға бўлмайди. 7996 нафар аҳоли истиқомат қиладиган бу мўъжаз гўшада 12 та кандакорлик мактаби мавжуд. Шунингдек, маҳаллада ҳунармандчиликнинг яна 74 та тури бўйича фаолият кўрсатилмоқда.

Бу эса, маҳалла ҳунармандининг бутун республикага танилиши бежиз эмаслигини кўрсатувчи далилдир.

---

*Умр зийнати*

# ОЛАМ КЎРКИ СИЗ БИЛАН...

***Маълумотларга қараганда, сўнгги 30-40 йилда тиббиётдаги катта ўзгаришлар натижасида дунё миқёсида қариялар сони ортиб бораяпти. Уларнинг умрларини узайтиришда фаннинг улуши кўп, албатта. Демографик маълумотларга кўра, 60 ёшдан ошган инсонлар сони 1950 йилда 188 миллион, 1970 йилда 221 миллион, 1985 йилда 407 миллион, 2005 йилга келиб 785 миллионга етган, демак уларнинг сони 50 йилда салкам 4 бараварга ошган. Энг қувонарли жиҳати, бу соҳада мамлакатимиздаги кўрсаткичлар бундан-да юқори.***



**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Жамият» мухбири**

АЛБАТТА, қариялар сонининг ортиши соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислоҳотлар, давлат томонидан қарияларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги аниқ сиёсати, умуман кексаларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик ёши улуғларни қадрлашга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилаётгани билан боғлиқ. Айни кезда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида отахон ва онахонларнинг ўз ўрни бор.

— Кекса ёшдаги ота-оналаримиз, маҳалладошларимиз ўзларини жамиятнинг керакли аъзоси сифатида ҳис этишлари учун доим уларга эътибор бериб туриш лозим, — дейди Учтепа туманидаги «Ўткир» маҳалласи раиси Лутфулла Бойдуллаев. — Бунинг учун оилада фарзандлар қария ота-оналарини эъзозлаб юришлари жоиз. Маҳалламизда ёши 60 дан ошган фуқаролар жамоа ишларига кенг жалб этилган. Яраштириш комиссияси, оилаларги ажралишлар олдини олиш бўйича ишларга уларнинг ёрдамлари беқиёс бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда: «Қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор».

— Қариси бор уйнинг париси бор. Буни ҳар бир ўғил-қизимиз билмоғи шарт, — дейди Собир Раҳимов туманидаги «Беруний майдони» маҳалласи раиси Хурсаной Давронова. — Кексаларни иззат-ҳурмат қилган, улардан эҳтиромини дариғ тутмаган, оғирини енгил қилган фарзанд ҳеч қачон кам бўлмайди.

— Оилада ота-она, маҳалла кексалари, фарзандларимиз шу она юрт бизники эканлигини, унинг тарихи, босиб ўтган йўлларини билиш, ҳурмат билан тилга олиш, чин инсон мартабасига етишнинг энг муҳим шарти эканини тарбия жараёнида доимо уқтиришлари лозим, — дейди пойтахтимиздаги 243-мактаб директори Насиба Нишонова. — Ҳар бир она боласини ёруғ дунёга келтириб, катта умидлар билан оқ ювиб, оқ тарайди. Уни меҳр билан улғайтиради. Инсоннинг қалбида неки олижаноб туйғулар ва одамийлик хусусиятлари мавжуд бўлса, барчаси ота-она меҳридан, тарбиясидандир. Ватанга муҳаббат туйғуси ҳам она сути, она алласи билан қонқонимизга сингади, онгимизга киради.

Мамлакатимизда қарияларни улуғлаш, уларга меҳр-оқибат кўрсатиш, умуман, уларга бўлган эҳтиромни кўриб кўплар ҳавас қилади. Айни чоғда бу муносабатни янада жонлантиришимиз керак. Бу эса қарияларнинг тетик, бардам, завқу шавқ билан жамият ҳаётида иштирок этишини таъминлайди.

---

**Асосий тушунчалар**

***Бу атамани IX аср муаррихи Наршахий «Бухоро тарихи» асарида қайд этиб, уни бундан 1100 йил илгари мавжуд бўлганини айтиб ўтади. «Маҳалла» атамасига Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарларида ҳам етарлича таъриф берилган.***

# МАҲАЛЛА

**Фарҳод АЗИМОВ**

СОҲИБҚИРОН Амир Темур даврида эса маҳалла бошқарув тизимининг бир бўғини тарзида кўриниш олган.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг маҳалла ўзининг ҳуқуқий асосларига эга бўлди, ўзини-ўзи бошқарувчи ижтимоий тузилмага айланди.

Бугунги кунда республикамизда 10 мингга яқин анъанавий шаҳар маҳаллалари, замонавий шаҳар-квартал маҳаллалари ва қишлоқ маҳаллалари мавжуд бўлиб, улар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунига ва қатор қонун ости ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонларига мувофиқ амалга оширади.

1992 йил 12 сентябрда Республикамиз маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш ҳамда уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги фармони эълон қилинди. 2003 йилда алоҳида нуфуз ва моҳият касб этган — «Обод маҳалла йили» тарихимизнинг унутилмас саҳифасини яратди.

# БЕРУНИЙ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

***Давлат ва жамиятни бошқариш жараёнида ўтмиш маънавий меросимиз анъаналаридан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода буюк мутафаккир олим Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий-маърифий қарашлари бугун ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган.***

**Фурқат ЖЎРАҚУЛОВ,**

**Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти катта илмий ходими**

БЕРУНИЙНИНГ жамият ҳақидаги қарашлари кўплаб асарларида муайян воқеликлар билан бирга ифода этилган. Яъни, аллома бирор бир ҳодисотни таърифлаш ва аҳамиятини белгилашда унга ижтимоий тус беради. Жумладан, «Минералогия» асарида турли минералларининг кимёвий хоссалари ҳақида ёзар экан, улар билан боғлиқ ижтимоий ҳодисаларни ҳам келтириб ўтади. Умуман олганда, Беруний ижтимоий-сиёсий қарашлари орқали нафақат Марказий Осиё, балки қадимги юнон ва ҳинд мутафаккирларининг илғор анъаналарини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшди, тарихда жамиятшунос олим сифатида муносиб ўринга эга бўлди.

Беруний жамиятнинг юзага келиш масаласига катта эътибор қаратиб, «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида бу хусусда шундай фикрни келтиради: «Қадимги тарихларнинг энг аввалгиси ва энг машҳури башариятнинг, кишиликнинг, инсониятнинг бошланишидир». Беруний таъкидлаганидек, оташпарастлар, шунингдек, китоб аҳллари бўлмиш яҳудийлар, христианлар ва бошқа динлар вакилларининг барчаси башариятнинг бошланиши ҳамда унинг тарих боши қилиб олиниши хусусида турлича қарашларга эга. Аллома ўтмиш тарихнинг бошланиш санасини ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри белгилашнинг иложи йўқлигини таъкидлаш билан бирга, бу масалага турли динлар ўртасида турфа ёндашувлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратади. Бугунги кунда ҳам аллома илгари сурган ғояларнинг аҳамияти катта. Динлар ўртасидаги турли ижтимоий мақсадларга турлича қарашлар мавжудлигини ҳисобга олиб, Беруний диний бағрикенглик концепциясини ривожлантиришга, бу тушунчани кишилар, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш лозимлигига кўп урғу берган.



***Беруний жамиятнинг юзага келиш масаласига катта эътибор қаратиб, «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида бу хусусда шундай фикрни келтиради: «Қадимги тарихларнинг энг аввалгиси ва энг машҳури башариятнинг, кишиликнинг, инсониятнинг бошланишидир».***

Шунингдек, Беруний «Минералогия» асарида фозил ва одил раҳбар бўлишдек масъулиятли ва машаққатли вазифа ҳақида фикр юритиб: «...Идора қилиш ва бошқариш — роҳатдан маҳрум бўлишдир...» деб ёзган экан.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш давлатимизнинг устувор мақсадларидан бири сифатида намоён бўлаётир. Айрим тадқиқотчилар бу борада кўпинча хориждан мисоллар келтиришга ҳаракат қилишади. Ҳолбуки, ўзимизнинг аждодларимиз меросига мурожаат этсак, фуқаролик жамиятига доир қимматли манбаларга дуч келамиз. Мутафаккир аждодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий қадриятлардан нафақат илм-фан ривожини таъминлашда, шу билан бирга эркин ҳуқуқий демократик ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида ҳам кенг фойдаланишимиз мумкин. Чунки, уларда давлатчилик назарияси, фуқаролик жамияти принциплари ҳамда демократик тамойилларни тадқиқ этишга етарли даражада эътибор қаратилган.

***Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг «Мажолис-ун-нафоис» тазкираси еттинчи мажлисида Соҳибқирон Амир Темурнинг шеър айтмоққа қобилияти ва майли бўлганлиги хусусида маълумот берилади. Худди шу саҳифада Темурдек буюк шахсни лол қилиб, ғазабини муҳаббатга айлантирган Абдулқодир исмли юксак истеъдод соҳиби номи ҳам тилга олинади.***



# СОҲИБҚИРОННИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ҲОФИЗ

**Нафас ШОДМОНОВ,**

**филология фанлари номзоди**

КЎҲНА тарихимиздан ҳикоялар сўзловчи сарғайган саҳифалар, қадимий қўлёзмалар ичида XVII асрда яшаб ижод қилган Дарвеш Али Чангийнинг «Туҳфат ус-сурур» тазкирасида ҳам ул зот ҳақида маълумот берилган.

Али Яздийнинг «Зафарнома»сида эса қуйидагиларни ўқиймиз: «...хизматкорлар хизматда туриб эрдилар. Ва жонпарвар сувчилар ва дилнавоз соқийлар барча карашма ва ноз била туриб, созандалар ва хонандалар барча ишларга машғул бўлдилар. Ва аларнинг ичида Хожа Абдулқодирким, нодируласр ва ягонайи замона эрди..»

Булардан ташқари, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Мирхондиннг «Ҳабиб ус-сияр», Муъиниддин Исфизорийнинг «Равзат ул-жанот фи авсофи мадинати Ҳирот», Хожи Калон Хурсонийнинг мусиқий рисолаларида бу номга яна дуч келинади. Замонавий олимлардан Ҳ. Каримов, озарбайжонлик С. Агаеваларнинг Хожа Абдулқодир ҳақидаги номзодлик диссертациялари, О. Матёқубов, А. Жумаевларнинг тадқиқотларидан ҳам у зот ҳақида маълумот олиш мумкин.

Абдулқодир ибн Ғайбийнинг таваллуди кўпгина манбаларда номаълум деб таъкидланса ҳам, узоқ вақт олиб борилган изланишлардан сўнг уни олимлар ҳижрий 754 сана зул-қаъда ойининг 20-куни (милодий 1353 йил 17 декабрь) деб кўрсатишга муваффақ бўлдилар.

Хожа Абдулқодир нафақат ҳофиз, балки шоир ва олим эканини ҳам таъкидлаш лозим. У форс тилида мислсиз гўзал байтлар битди. Лекин у туркий тилда ҳам жуда гўзал асарлар ёзган.

Манбаларда Хожа Абдулқодирнинг отаси ўз даврида бир неча илмда машҳур ва замонининг тенгсиз мусиқашуноси бўлган деб кўрсатилади. Мазкур илмларнинг асосини Абдулқодир отасидан ўрганган бўлсада, мукаммал илмни у дастлаб Марога ва Исфаҳондаги, кейинроқ Табриздаги олимлардан олди.

Табризда у мусиқий билими ва қобилияти билан қисқа вақтда машҳур бўлиб кетди ва жалойирийлар ҳукмдори Султон Шайх Увайснинг (1356-1377) саройига чорланди.

Абдулқодир саройга келганига ҳали кўп бўлмаган бир вақтда бу ердаги машҳур мусиқашунос Ризоуддин Ризвоншоҳ ўз ҳисобидан катта совврин қўйиб, бир кўрик ташкил қилди. Кўрикда ғолиб чиққан Хожа меҳтарлик (бош мусиқашунослик) мансабига кўтарилади.

Ҳижрий 795 (милодий 1395) йил Бағдод Амир Темур қўлига ўтди. «Зафарнома»нинг бу воқеалар тасвирланган саҳифаларида қуйидагиларни ўқиймиз: «Соҳибқирон фармонларикм, Бағдод шаҳридан яхши ҳунарманд кишиларни кўчлари билан Самарқандга элтиб борсунлар!.. Ва Хожа Абдулқодиркм, мусиқий илмида оламда машҳур ва нодируласр эрди, ани тақи Самарқанд йибарди»...

Мароғийнинг Табриз ва Бағдодда ўз атрофида қандай муҳит яратганлиги маълум. У Самарқандда ҳам худди ана шундай муҳит яратди. Фитратнинг маълум қилишича, «Темурнинг буйруғи билан ҳар томондан келтирилган ихтисосчи олимларнинг ғайрати билан бу санъат Самарқандда ўта жонланди, оёққа босди. Ислом шарқининг ҳар томонидан келтирилган чолғулар, чолғучилар бизнинг бу кунги классик мусиқаларимизнинг юксалишига, кўтарилишига хизмат қилдилар. Оз замонда улуғ мусиқашунослар етишдилар...»

Шундай қилиб, Хожа буюк Соҳибқироннинг ҳам ишончли кишисига, ҳам бош хонандасига айланди. Темур қаерга бормасин, уни ўзи билан олиб юради. 1398 йили Темур Ҳиндистонга юриш бошлаганда ҳам улар бирга эдилар. Лекин бу сафарнинг узоқ чўзилиши олимнинг ижодий режаларини амалга оширишига монелик қилар эди. Соҳибқирон унинг арзини инобатга олиб, қўлига уни мадҳ этувчи бир нишон (нома) бериб, Самарқандга қайтарган эди.

Темур замонининг бош хонандаси бўлган Абдулқодирнинг Соҳибқирон вафотидан кейинги ҳаёти манбаларда унчалик ойдин эмас. Маълуми шуки, у аввал Темур тахтига ўтирган Халил Султоннинг ҳимоясида бўлди. Кейинроқ Султон Шоҳруҳнинг саройида яшади. Султон Шоҳруҳ ва унинг ўғли Бойсунқур Мирзолар билан олим ўртасида ҳам илиқ муносабатлар бўлган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг тазкирасида Шоҳруҳ саройида равнақ топган тўрт санъаткордан бири деб ибн Ғайбий кўрсатилади.

Темурийлар даврида мусиқашунос олим ва санъаткор кўпроқ назария билан шуғулланди, бир қатор китоб ва рисолалар ёзди.

Қиссадан ҳисса шуки, олим ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ва тарғиб этиш Соҳибқирон Амир Темур маънавий олами тўғрисидаги билимларимизнинг янада тўлдириши шубҳасиз.

# МИСИ ЧИҚАЁТГАН ФИРИБГАРЛИК

***АҚШ давлат департаменти ва у билан боғлиқ тузилмаларнинг собиқ иттифоқ ҳудудида «демократияни юргизиш юзасидан» амалга оширган қизғин, шу билан бирга ўта хуфия фаолияти ниҳоят Ғарб журналистларининг ҳам эътиборини тортди, деб ёзади «Press-uz.info» ахборот агентлиги. Хусусан, француз ҳужжатли фильм ижодкорлари томонидан яратилган ва «Россия» телеканали орқали намойиш этилган «Революция. Сом. АҚШ. Шарқнинг забт этилиши» фильми бунинг яққол мисоли бўлиб, унда «рангли» инқилобларни амалга ошириш технологиялари ҳақида сўз юритилади.***

ФРАНЦУЗ ҳужжатли фильм ижодкорлари берган маълумотга кўра, фақат иккита — Украина ва Қирғизистонда амалга оширилган «рангли» инқилоб учун АҚШ 110 миллион доллар сарфлаган.

АҚШнинг ҳозирги маъмурияти чет элларда «демократияни юргизиш» ташқи сиёсатининг муҳим устувор вазифаларидан бири эканини бир неча бор эълон қилган. Шунингдек, ҳозир конгрессда кўпчиликни ташкил этувчи демократик оппозиция ҳам шу йўлни тутмоқда. Шу боисдан «рангли» тўнтаришлар ортида кимлар турганини кўрсатишга аҳд қилган француз ҳужжатли фильм ижодкорларининг кино текшируви, гарчи у кечикиброқ яратилган бўлса-да, мутлақо ҳаққоний кўринади.

Хуллас, француз ижодкорлари фильм ниҳоясида барча «рангли» инқилоблар ортида — Сербиядаги давлат тўнтаришида, Грузияда «атиргул», Украинада «зарғалдоқ», Қирғизистонда «қизғалдоқ» инқилобларининг амалга оширилишида ҳокимиятни «керакли» одамларга топшириш учун умуман уруш қилишнинг ҳожати йўқ, деб ҳисоблаётган хориж расмий сиёсий кучлар тургани ҳақидаги ҳаммага маълум хулосани чиқаради.

Март ойининг охирида АҚШ конгресси вакиллар палатасининг ташқи ишлар қўмита «демократияни илгари суриш» АҚШ давлат сиёсатининг бир қисми эканини эълон қилиб, бу мақсадлар учун яқин икки йилга 110 миллион доллар ажратиш бўйича қонун лойиҳасини бир овоздан маъқуллади. Аммо, бу Америка бюджетидан «ноҳукумат» ташкилотлари тармоғи орқали Вашингтонга ёқмайдиган давлатлар раҳбарларига қарши ишлатиш лозим бўлган маблағларнинг бир қисмигина, холос.

Амалда бундай «тўнтаришлар» чин маънодаги инқилоб ҳисобланмайди, чунки унинг мақсади мавжуд тузумни алмаштириш эмас, балки у ёки бу мамлакатда америкапараст кучларнинг ҳокимият тепасига келишини таъминлашдир. Буни жаҳон ҳамжамияти Грузия ва Украина мисолида кўриб турибди.

Фильмда таъкидланишича, ўтган асрнинг 60-70-йилларида бундай фаолият билан махфий тарзда бевосита АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси шуғулланган. Кейинчалик бу фаолиятга ошкоралик бағишлаш, бошқача айтганда, салобатли тус беришга қарор қилинган. Ана шу мақсадда «ноҳукумат» жамғармалар ва ташкилотлар тузилди. Албатта, улар орасида Грузиядаги «инқилоб»да фаол иштирок этган Жорж Сорос фондининг «Очиқ жамият» институти, Қирғизистондаги инқилоб олдидан олтита муҳолифатчилик кайфиятидаги газета чиқарган Freedom House ассоциацияси, шунингдек, жаҳонга демократия тарқатиш билан шуғулланувчи Халқаро республика институтларини кўриш мумкин.

Айнан шулар, кинофильм муаллифларининг таъкидлашича, бир қатор давлатлар ички ва ташқи сиёсатига беқарорлик олиб келган мазкур «инқилоблар»нинг раҳнамолари ҳисобланадилар. Булардан ташқари француз киноҳужжатчилари Freedom House ассоциацияси раҳбари Майкл Стоуннинг очиқ тан олган сўзларини келтиради. У шундай дейди: «Биз «бахмал» ва «зарғалдоқ» инқилобларга ҳаддан ташқари берилиб кетдик. Менга аслида «яшил» инқилоб – доллар инқилоби керак! Пул берсангиз бас, хоҳлаган ишингизни амалга оширамиз!»

Шундай қилиб, суверен давлатларнинг ички ишларига аралашувлар қайси сиёсий кучлар манфаатларига хизмат қилишини дунёдаги соғлом фикрли барча кишилар аллақачон тушуниб етган. Энг муҳими, АҚШ давлат департаменти бу борадаги фаолияти француз киноҳужжатчилари саъй-ҳаракати билан ғарб жамоатчилигига ҳам маълум бўлганлиги диққатга сазовордир.

# ҲАРБИЙЛАР ТОВОН ТЎЛАМОҚДА




***Американинг Фуқаролар эркинлиги иттифоқи ташкилоти талабига биноан Пентагон Ироқ ва Афғонистон фуқароларининг америкалик ҳарбийларга нисбатан қўзғатилган даъволардан бир қисмини ошкор этди, деб ёзади. The Guardian газетаси.***

НАШР ахборотига кўра, ошкор этилган даъволардан 496 таси Ироқ, 17 таси Афғонистон фуқароларидан тушган. Улар 2003-2006 йиллар мобайнида АҚШ ҳарбийлари томонидан ўлдирилган оила аъзолари учун товон талаб қилганлар. Очилган ҳужжатларда тинч аҳолининг ҳалок бўлишини кўрган гувоҳлар кўрсатмаларию америкалик ҳарбийлар берган маълумотлар мавжуд.

Фуқароларнинг кўпчилиги ҳарбийларнинг маҳаллий аҳоли тили — араб тилини тушунмаслиги оқибатида нобуд бўлган.



Америка ҳукумати 2006 йил февралида ўлдирилган аёл ва унинг яраланган икки фарзанди учун 7,5 минг АҚШ доллари миқдорида товон тўлашга мажбур бўлди. Улар таксида бораётганида назорат пунктида ўққа тутилган.

Назорат пунктида отиб ўлдирилган фарзанд учун отасига 4800 доллар товон пули берилади. Бояқиш йигит инглиз тилини тушунмагани сабабли ҳарбийларнинг машинадан чиқиш ҳақидаги буйруғини бажармаган. 2004 йилнинг март ойида ўз уйида отиб ўлдирилган ироқликлар учун уларнинг қариндошларига атиги 2,5 минг доллар товон пули тўланади.

Ҳозирга қадар ошкор этилган 496 даъводан 169 тасига товон пули тўланган, холос. Human Rights Watch ташкилоти вакилининг айтишича, товон пулини кимга бериш ҳақида қарор қандай ҳал этилаётганию, бу пуллар миқдори ва айнан кимларга тегаётганида ҳеч бир маъно йўқ эмиш.

# ТАШКИЛОТ ОФИС ТЕКШИРИЛМОҚДА

***Айни пайтда «Internews Network» (Интерньюс Нетворк) ташкилотининг Москвадаги қароргоҳи Россия ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари томонидан тинтув қилинмоқда, деб хабар тарқатди Россия оммавий ахборот воситалари.***

Қароргоҳ раҳбарининг «Эхо Москвы» радиостанциясига берган хабарида мазкур тинтув унга нисбатан илгари қўзғатилган жиноят иши доирасида ўтказилаётгани эътироф этилган. Ўшанда, яъни жорий йил январида «Париж – Москва» йўналишида учиб келган «Internews Network» ташкилоти вакиллари — россиялик Манака Асламазян ва Буюк Британия фуқароси Жилиан Маккормак «Шереметова-2» аэропортининг божхона назоратида текшириш чоғида ушланган эди.

Аэропорт божхона вакили уларнинг 700 минг рублга тенг миқдордаги чет эл валютасини қонунга хилоф тарзда божхона назорати ҳудудидан олиб ўтишга урингани ҳақида маълумот берган.

Шу билан бирга, бу тинтувнинг ўтказилиши «Internews Network» ташкилоти фаолиятига ҳам дахлдор экани таъкидланади. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг билдиришича, мазкур маблағ ташкилотнинг Россиядаги фаолиятини ноқонуний тарзда молиялаштиришга мўлжалланган бўлиши ҳам мумкин.

1982 йилда ташкил этилган «Internews Network» ноҳукумат ташкилоти дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида ўзининг ваколатхоналари ва филиалларига эга. Ўзбекистонда бу ташкилотнинг ваколатхонаси 2005 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳар Яккасарой туман суди «Internews Network»нинг қатор раҳбар шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши юзасидан чиқарган ҳукмдан сўнг ўз фаолиятини тўхтатган.

## ЮРТНИНГ БАҲОДИР ЎҒЛОНЛАРИ

# ШИЖОАТ ВА ҒАЛАБА

*Ўтган ҳафта мамлакатимиз спорти тарихида мисли кўрилмаган ғалаба қўлга киритилди. Ҳамюртимиз Руслан Чагаев миллионлаб спорт ишқибозлари ишончини оқлаб, россиялик боксчи Николай Валуевдан чемпионлик камарини тортиб олди ва Ўзбекистон фарзандларининг юксак салоҳиятини яна бир бор намоён этиб, жаҳоннинг энг зўр, тенгсиз боксчиси эканини исботлади.*

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,**

**«Жамият» мухбири**





БУ ғалаба нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди.

Руслан Чагаевнинг бу ғалабаси юртимизнинг барча гўшаларида жуда кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Ҳаяжондан кўкси тоғдек юксалган ватандошларимиз қалбида чексиз фахр, ифтихор, ғурур туйғулари жўш урмоқда.

Халқимизда «Кичкина деманг бизни ...» деган нақл юради. Унинг нақадар жўяли экани Чагаев ва Валуев баҳсида ўз исботини топди. Ҳамюртимиздан нақ 40 кг. оғир ва 28 см. баланд бўлган россиялик чарм қўлқоп устаси, «Қоя одам» юртдошимиз Русланнинг кучли техникаси ва маҳорати олдида ожиз қолди.

Худди шу куни Термиз шаҳрида ҳам кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким Ат-Термизий 8-халқаро турнирининг мутлақ вазндаги ярим финалида таниқли курашчи Абдулла Тангриев (вазни 115 кг.) ўзидан 35 кг. оғир бўлган Бразилия полвони Вальтер Дос Сантосга (вазни 150 кг.) рўбарў келди. Ўзбек баҳодири рақибига қарши дадил гиламга чиқди. Абдуллани Сантоснинг ҳайбатли гавдаси чўчитмади. Ишончли усулларни қўллаб, рақибига имконият бермай, уни гиламга қулатди ва финалга йўлланма олди. Агар Абдулла Сантосдан устун келмаганда, унга тўртинчи марта мазкур турнирнинг мутлақ ғолиби бўлиш насиб этмас эди.

Ҳа, ҳар икки спорт турида ҳам жусса ва вазн жиҳатдан оғир рақибларни мағлуб этишда ўзбек ўғлонларидаги кучли тайёргарлик ва техника, мустаҳкам ирода, эл-юрт олдидаги фарзандлик ҳисси, ватанпарварлик туйғуси устуворлик қилди.

Дунё аҳли яна бир бор ўзбек баҳодирлари она Ватан шарафини ҳимоя қилиш, халқ ишончини оқлаш йўлида ҳар қандай машаққатли марраларни забт этишга қодир эканини кўрди ва бунга амин бўлди.



## ОБ-ҲАВО

*Баҳорда ёғин-сочиннинг кўп бўлгани яхши. Ўт-ўланлар гуркираб ўсади, яйловлар қўй-қўзиларга тўлади. Бироқ деҳқонлар учун ёғин-сочинсиз очиқ кунлар ҳам ҳаводек зарур. Чунки улар чигит, маккажўхори ва бошқа экинлар уруғини оби-тобида ерга қадашлари лозим. Куздаги хирмонлар салмоғи мана шу ишларнинг сифатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам халқимизда «Баҳорнинг бир куни йилни боқади» деган нақл юради.*

*Республика Гидрометеорология маркази маълумотига кўра, бугун ва эртага мамлакатимизда ёғингарчилик кутилмайди. Фақат Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятининг баъзи жойларида қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтади. 21-22 апрелда республиканинг айрим жойларида қисқа муддатли ёмғир ёғиши ва момақалдироқ бўлиши мумкин.*

*23 апрелда республикамиз бўйича ёғингарчилик кутилмайди. Шарқдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. 21-22 апрелда унинг тезлиги 17-22 метрғача кучаяди. Ҳарорат кечаси 12-17, 23 апрелда 8-13 даража илиқ, кундузи 19-21 апрелда 25-30 даража, 22-23 апрелда 18-23 даража иссиқ бўлади. Шимолда кечаси 19-21 апрелда 15-20 даража, 22-23 апрелда 5-10 даража илиқ бўлади. Кундузи 20-25 даража иссиқдан 13-18 даража илиқ атрофида ўзгариб туради.*

*Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради. 20-21 апрелда ёғингарчилик кутилмайди, 22-23 апрелда баъзи жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 5-10 даража, 23 апрелда 1-6 даража илиқ, 20-21 апрелда кундузи 17-22 даража, 22-23 апрелда 8-13 даража илиқ бўлиши кутилади.*

# БАҲОРНИНГ ИЛК МЕВАСИ




***Ҳадемай бозорларга кириб қолсангиз, тоғора-тоғора қулупнайларга кўзингиз тушиб, яйраб кетасиз. Қизғалдоқдан ранг, шарбатдан таъм олган алвонранг, хуштаъм қулупнайга қўл чўзиб, бир-икки донасини татиб кўрганингизни сезмай қоласиз. Қизалоқлар опаларига ўхшаб лабларига бўёқ сургандай, болакайларнинг юзи, қўли қип-қизил қулупнайга бўялган. Ажабтовур роҳатбахш қулупнай ана шунақа — оҳанрабодай таъсири бор мева. Қулупнай кўп йиллик мева ҳисобланади. Ҳамма орзиқиб кутган бу фаслда, қулупнай пишиғи дилларимизга янада равшанлик бахш этади.***

**Маъбуда ЮНУСОВА**

БУ мева ўз таркибига қанд, органик кислоталар, С витамини, темир, фосфор, кальций моддаларини жамлаган. Қулупнай мевалари озиқ-овқат маҳсулоти, татимли резавор бўлиши билан бирга табобатда бир неча хасталикларни даволашда ҳам фойдаланилади.

Халқ табобатида қулупнай меваси терлатувчи, безгак хуружига қарши, пешоб ҳайдовчи омил сифатида тавсия этилади. Шунингдек, ертут — қулупнай мевалари буйрак касалликларида, буйракда тош бўлганда, жигар касалликларида, ўт йўлининг яллиғланишида, талоқ касаллигида, ошқозон-ичак йўллари яллиғланиши билан боғлиқ бўлган касалликларда истеъмол қилиниши фойдали ҳисобланади.

Олимларнинг фикрича, бу мева буйракдаги тошларни нуратиш қобилиятига эга бўлиши билан бирга, организмда тош ҳосил бўлишига йўл қўймайди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, қулупнай меваларидан мураббо, шарбат тайёрланса ёки унинг қоқисидан фойдаланиладиган бўлса, унда қулупнайнинг шифобахш хусусиятидан асар ҳам қолмайди.

Бу мева яна гепатит, мичал (рахит), бавосил касаллигида ҳам фойда беради. Гўдакларга қулупнайни сут ва шакар билан аралаштириб бериб турилса, организмни мустаҳкамлайди. Қулупнай баргларидан тайёрланган дамлама билан оғиз ғарғара этилса, ангинага енгиллик беради ҳамда юзлар артилиб ёки ювилиб турилса ҳуснбузарлардан халос қилиши мумкин.

**БОШ МУҲАРРИР**

Сирожиддин РАУПОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

Маъруфжон УСМОНОВ
Қиём НАЗАРОВ
Жамолиддин ҲАКИМОВ
Рифат САРБАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
Беҳзод ҲОТАМОВ
Нурали ШОДИЕВ

**МУАССИСЛАР**

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
"Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журнали

**НАВБАТЧИ МУҲАРРИР**

Абдували ҚУТБИДДИНОВ

**ДИЗАЙНЕР**

Ҳабибжон БОЛТАЕВ

**НАВБАТЧИ**

Нурали ШОДИЕВ

«Шарқ» нашриёт акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41.
Буюртма рақами Г-336
Адади: 8018
Газета "Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журналининг ҳафталик иловаси.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.
Маълумот учун телефонлар:
132-60-98, 132-60-74.
Электрон почта:
jamiat@mail.ru
«Жамият» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Ⓣ — тижорат белгиси
Топшириш вақти: 20.00
Топширилган вақти: 01.15

# Режа «БИРИНЧИ»

## УЙ ҲУДУДИ - БУТУН ЎЗБЕКИСТОН!

**Барча мобил рақамлардан кирувчи алоқа* - $0**
**Барча мобил рақамларга чиқувчи алоқа** - $0,02**



Уланишда минимал олдиндан тўлов – **5 000** сўм.

* Ўзбекистон бўйича Ўзбекистон ҳудудидаги барча уяли алоқа операторлари абонентларидан бўлган қўнғироқларда ва операторга тегишли префикс тўғри берилганда.
** Бир дақиқа учун, рақамлар операторларнинг қуйидаги префикслари билан терилганда: 998 **90**, 998 **93**, 998 **95**, 998 **98**.
*** Ўзбекистон бўйича бошқа кирувчи ва чиқувчи қўнғироқлар бир дақиқа учун - $0,04

МТС абонентлари учун:
- Халқаро роуминг хизмати Намибияда (Mobile Telecommunications), Ироқда (IRAQNA), Ҳиндистонда (Spice Telecom Karnataka) ишга туширилди.

## МТС-ЎЗБЕКИСТОН – СИНОВДАН ЎТГАН СИФАТ!

Батафсил маълумотни **WWW.MTS.UZ** сайтида кўриш мумкин
Хизматлар лицензияланган
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади
Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.

МТС